БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 286 (19.957). • 1987 йил 13 декабрь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

СУРАТДА: совет делегацияси.

ТАСС телефотоси.

Ўзаро келишиб олинганига мувофиқ 1987 йил 11 декабрь куни Берлинда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар қардош партиялари Марказий Комитетларининг Бош (Биринчи) секретарлари учрашуви бўлди.

Учрашувда: БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков, ВСИП Бош секретари Я. Кадар, ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер, ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси В. Ярузельский, РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушескунинг махтор вакили сифатида — РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри И. Тоту, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак қатнашдилар.

Учрашувда:

Болгария Халқ Республикасидан — БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР халқ мудофаа министри Д. Журов, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри П. Младенов;

Венгрия Халқ Республикасидан — ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри П. Варкони, ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР мудофаа министри Ф. Карпати;

Германия Демократик Республикасидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри Х. Кесслер, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер;

Польша Халқ Республикасидан — ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри М. Ожеховский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР миллий мудофаа министри Ф. Сивицкий;

Руминия Социалистик Республикасидан — РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри И. Тоту, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак қатнашдилар.

Учрашувда:

Болгария Халқ Республикасидан — БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР халқ мудофаа министри Д. Журов, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри П. Младенов;

Венгрия Халқ Республикасидан — ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри П. Варкони, ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР мудофаа министри Ф. Карпати;

Германия Демократик Республикасидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри Х. Кесслер, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер;

Польша Халқ Республикасидан — ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри М. Ожеховский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР миллий мудофаа министри Ф. Сивицкий;

Руминия Социалистик Республикасидан — РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ташқи ишлар министри И. Тоту, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак қатнашдилар.

Учрашувда:

Болгария Халқ Республикасидан — БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР халқ мудофаа министри Д. Журов, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР ташқи ишлар министри П. Младенов;

Венгрия Халқ Республикасидан — ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР ташқи ишлар министри П. Варкони, ВСИП Марказий Комитетининг аъзоси, ВХР мудофаа министри Ф. Карпати;

Германия Демократик Республикасидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР миллий мудофаа министри Х. Кесслер, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер;

Польша Халқ Республикасидан — ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри М. Ожеховский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР миллий мудофаа министри Ф. Сивицкий;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек, ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР миллий мудофаа министрининг биринчи ўринбосари К. Русов ҳам иштирок этдилар.

Учрашувда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли кучлари Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов ҳам қатнашди.

М. С. Горбачев учрашув қатнашчиларига ўзининг АҚШга қилган визити, Президент Р. Рейган билан музокаралар қандай ўтганлиги ва натижалари тўғрисида батафсил ахборот берди.

Иттифоқдош давлатларнинг раҳбарлари Вашингтондаги музокараларнинг якунларини тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар ва юксак баҳоладилар. Тарихий қўлламдаги қадам қўйилдики, бу ҳозирнинг ўзидаёқ Ер юзидаги сиёсий иқлимга ҳаётбахш таъсир ўтказмоқда, давлатларнинг ўзаро ишончини кучайтирмоқда, ҳозирги мураккаб, зиддиятли, аммо бир-бирига боғлиқ бўлган дунёда реализм ва ақл-идрок тантана қилишига умидни мустаҳкамламоқда.

Учрашув қатнашчилари Совет Иттифоқининг ядровий қуролсизланиш ишида дастлабки реал натижаларга олиб келган, янги сиёсий тафаккурнинг таъсирчанлиги далили бўлиб қолган ва изчиллик билан сарфлаган куч-ғайратлари учун М. С. Горбачевга самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар. Бу — Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар муштарак тинчликсевар йўлининг, қарама-қарши туриш даражасини пасайтириш ва дунё ишларида ўзаро манфаатли ҳамкорликка ўтиш учун изчиллик билан курашаётган социалистик мамлакатлар ташаббуслари ва ҳаракатларининг ифодаси эканлиги мамнуният билан таъкидланди. ГДР ва ЧССРнинг Вашингтон Шартномасидаги ана шу давлатларга тааллуқли қоидаларни бажаришга қўмаклашишга тайёр эканлигини билдириб, амалий позицияда турганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатишга оид Совет—Америка Шартномаси ҳамманинг манфаатларига мос келади, Европада, Осиёда ва улардан ташқарида ҳам хавфсизлик даражасини оширади. Кўпгина давлатларнинг, шу жумладан, қўшилмаган давлатларнинг ҳаракатлари, барча қитъалардаги урушга қарши ҳаракатлар ва тинчликсевар кучларнинг намойишлари бу битимга эришишга кўмаклашди.

Учрашув қатнашчилари нинг умумий фикрига кўра, Вашингтондаги музокараларда ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш тўғрисидаги Шартномага қатъий риоя этган ҳолда ҳар икки томоннинг стратегик ҳужум қуролларини тенг ярмига қисқартириш юзасидан СССР билан АҚШнинг принципиал розилиги ишлаб чиқилганлиги гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бу хусусда тегишли битим тузилиши (бундай битим яқин келажакда тузилиши мумкин) қуролсизланиш, ядросиз ва зўравонликсиз дунёни барпо этиш ишида туб силжиш бўлур эди.

Эришилган аҳдномалар, деб таъкидланди учрашувда, қуролланиш пойгасини тўхтатишга олиб борадиган бошқа йўналишларда— биринчи навбатда химия қуролини тақиқлаш ва йўқ қилиб ташлаш, ядро синовларини тўхтатиш, Атлантикадан Уралгача Европада қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш каби йўналишларда олға силжиш учун шарт-шароитларни мустаҳкамлайди. Иттифоқдош социалистик давлатларнинг мудофаа учун зарур бўлган етарли миқдор чегарасидан чиқмасликка, қурол-яроғларнинг айрим турларига оид нотенглик ва мувозанатсизлик проблемасини ким олдинга ўтиб қолган бўлса ундаги қурол-яроғларни қисқартириш йўли билан ҳал қилишга тайёр эканликлари тасдиқланди. Шу билан бирга НАТО муайян доираларининг қитъада ядро қуроллари икки тури тугатилиши ўрнини қурол-яроғларнинг бошқа турларини кўпайтириш ва модернизациялаш йўли билан «тўлдириш» ниятларидан ташвишланиш изҳор қилинди.

Учрашув қатнашчилари Варшава Шартномаси мамлакатларининг тинчликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш ишига, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтиришга, бошқа мураккаб жаҳоншумул ва регионал проблемаларни ҳал этишга бундан буён ҳам ўз ҳиссаларини қўшишга қатъий аҳд-паймон қилганликларини айтдилар. Шу мақсадда улар тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, инсоният ҳаётидан урушни узил-кесил йўқ қилиб ташлаш учун курашаётган барча кучлар билан яқиндан баҳамжиҳат бўлишга интилаверадилар.

СССР, ГДР ва ЧССР ташқи ишлар министрлари ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида тузилган Шартнома муносабати билан инспекция ўтказиш ҳақида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Германия Демократик Республикаси ва Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасидаги битимни имзоладилар.

ГДР пойтахтидаги учрашув иттифоқдош социалистик давлатлар муносабатлари учун анъанавий бўлган қардошларча дўстлик ва ўртоқларча ҳамкорлик муҳитида ўтди.

М. С. ГОРБАЧЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

БЕРЛИН, 11 декабрь. (ТАСС). Варшава Шартномасига аъзо бўлган давлатлар раҳбар арбобларининг учрашувида қатнашган КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев бугун Берлиндан жўнаб кетди. Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, Д. Т. Язов, А. Ф. Добринин, В. А. Медведев, В. М. Каменцев, С. Ф. Ахромеев, А. С. Черняев у билан биргаликда жўнаб кетдилар.

Аэродромда М. С. Горбачёвни Э. Хонеккер, В. Штоф, Х. Зиндерман, Х. Аксен, Х.-И. Беме, И. Херман, Х. Долус, Х. Кесслер, Г. Клайбер, Э. Кренц, В. Кроликовский, З. Лоренц, Э. Мильке, Г. Миттаг, Э. Мюккенбергер, А. Нойман, Х. Тиш, В. Фельфе, К. Хагер, Г. Шабовский, В. Эберляйн, В. Яровинский, В. Вальде, И. Ланге, Г. Мюллер, М. Мюллер, Х. Зелле, О. Фишер кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида СССРнинг ГДРдаги элчиси В. И. Кочемасов бор эди.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Америка Қўшма Штатларига расмий визити тугаганидан кейин 11 декабрь куни Москвага қайтиб келди.

М. С. Горбачев Москвага қайта туриб, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар раҳбар арбобларининг Берлинда бўлган учрашувида иштирок этди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари билан биргаликда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри, армия генерали Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитети секретарлари А. Ф. Добринин, В. А. Медведев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Каменцев, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали С. Ф. Ахромеев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. С. Черняев ҳам қайтиб келдилар.

Внуково аэродромида М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Н. В. Тализин, КПСС Марказий Комитети секретарлари А. П. Бирюкова, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ГДРнинг СССРдаги элчиси Г. Кениг, Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси Б. Картледж, АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ж. Жойс бор эдилар.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

12 декабрь куни Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг қайта қуришнинг янги босқичи асосий йўналишлари — партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари талаблари асосида ижтимоий ҳаётни демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳотга раҳбарликни таъминлаш хусусидаги ҳисоботини муҳокама қилдилар. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин доклад қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими И. Е. Пономарев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ҚАРШИ, 12 декабрь. (ЎзТАГ). Қашқадарё область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида область партия комитети бюросининг партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари талаблари асосида қайта қуришга раҳбарликни амалга ошириш хусусидаги ҳисоботи муҳокама қилинди. Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов доклад қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари В. И. Зубков, В. Н. Лаврентьев қатнашдилар.

(Пленумлар тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ В. ВОҲИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада илмий ва амалий медицинани ривожлантиришга, илмий кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшганлиги ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий маркази Тошкент филиалининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги ўртоқ Восит Воҳидов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Раиси
Р. НИШОНОВ

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА

Тошкент шаҳри, 1987 йил 11 декабрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Ж. ҲАСАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Андижон область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Жўра Ҳасанов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советн Президиумининг Раиси
Р. НИШОНОВ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕКҚУЛБЕКОВА

Тошкент шаҳри, 1987 йил 11 декабрь.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

10 декабрь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказишга оид ишларнинг бориши муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорлари ва «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунининг талабларига мувофиқ республикада 1988 йилдан бошлаб 234 та корхонани хўжалик юритишнинг янги методига ўтказишга оид комплекс ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Бироқ мана шу ғоят муҳим иқтисодий вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун мавжуд камчиликларни ва энг аввало бирлашмалар ва корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш масалалари соҳасидаги камчиликларни жадал бартараф этиш, декабрь ойи ва умуман шу йилнинг план топшириқларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш, яқин кунларда 1988 йил плани юзасидан хўжалик шартномалари тузишни тугаллаш зарур. Ҳамма жойда раҳбарлар, мутахассислар ва ишчиларнинг хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни жорий этишнинг асосий принциплари юзасидан амалий иқтисодий ўқувини ташкил этиш керак. Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Госснаби, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги, республика тегишли министрликлари ва идоралари нинг план, молия ва бошқа иқтисодий бўлинмаларининг етакчи мутахассисларини жойларда амалий ёрдам бериш учун ана шу корхоналарга бириктириб қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Президиум мажлисида КПСС Марказий Комитетининг механизаторларга, хўжалик ҳисобида ишлайдиган пудратчи коллективларнинг раҳбарларига, мутахассислар ва олимларга, колхозларнинг раислари ва совхозларнинг директорларига, қишлоққа материал-техника воситалари етказиб берувчи саноат ходимларига, агросаноат комплексининг барча меҳнат коллективларига йўлланган мактубидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга оид тадбирлар тасдиқланди. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига 1987 қишлоқ хўжалиги йили якунларига танқидий баҳо бериб, комплекс агротехникавий, мелиоратив ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш, шу асосда ҳар бир дала ва фермада энг кўп маҳсулот олиш, аҳолини озиқ-овқат билан ва қайта ишлаш саноатини зарур хом ашё билан таъминлашни анча яхшилаш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиуми 2000 йилгача Ўзбекистон ССРда комплекс уй-жой программасини ва 1988—2000 йилларда бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқарувчи қувватларни ривожлантириш программасини кўриб чиқди ва тасдиқлади. Уй-жой программасини рўёбга чиқариш тўғрисидаги масалани Ўзбекистон ССР Олий Советининг VII сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

Республика совет ва хўжалик органларининг меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишни янада яхшилаш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорда министрлик ва идораларга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига корхоналарда смена коэффициентини қўллашнини кенгайтириш, меҳнат фаолиятининг кооператив ва якка тартибдаги формаларини ривожлантириш асосида бу ишни давом эттириш вазифаси топширилди. Республиканинг банд бўлмаган меҳнат ресурсларидан янада тўлиқроқ ва оқилона фойдаланиш мақсадида цехлар, филиаллар ва кичик корхоналар, социал-маданий ва уй-жой-маиший ташкилотлар тармоғини ташкил этишга кўпроқ эътибор бериш зарур.

Президиум мажлисида қишлоқ хўжалик экинлари майдонларига оид план интизоми ва пахта тозалаш саноати корхоналарида уруғлик чигитни реализация қилиш тартиби ғоят қўпол равишда бузилаётганлиги фактлари принципиал ва талабчанлик билан муҳокама қилинди. Контрол ўлчов ўтказилганида 60 та районда пландаги 1408,5 минг гектардан 34,6 минг гектар майдонга пландан ташқари чигит экилганлиги, унинг 10 минг гектари ҳисобдан яширилганлиги аниқланди. Доили экинлар майдони пландагидан 19,5 минг гектар кўп эканлиги, жумладан 6,2 минг гектар майдон ҳисоботларда кўрсатилмаганлиги маълум бўлди. 8,1 минг гектар сабзавот-полиз экинлари ва картошка пландан ташқари экилган, улардан 4,3 минг гектари ҳисоботга киритилмаган.

Пахтачиликка ихтисослаштирилган ҳар бир районда пландан ташқари ўрта ҳисобда 650 гектар майдонга чигит экилган. Урганч (24,4 процент), Гурлан (16,5), Комсомолобод (7,7), Қамаши (6,7), Навбаҳор (5,8), Ульянов (4,8) ва Пайариқ (4,0 процент) районларининг хўжаликлари чигит экиш плани энг кўп даражада ошириб бажарилишига йўл қўйдилар. Урганч районидаги Энгельс номли колхозда чигит экилган майдонлар пландаги 1027 гектар ўрнига амалда 1447 гектарни ташкил этди. Ҳисоботда эса 1400 гектар деб кўрсатилган. Айни вақтда хўжаликда озуқа экинлари 35 гектар майдонга кам экилган, 26 гектар эски бедазорлар пландан ташқари ҳайдаб юборилган. Умуман экинзорлар планга нисбатан 518 гектар ёки 34 процент кўп эканлиги аниқланди. Гурлан районидаги «Коммунизм», Қамаши районидаги «СССР 50 йиллиги», Навбаҳор районидаги «Ленинград» колхозларида, Чимбой районидаги Авезов номли ва Қўнғирот районидаги «Қўнғирот» совхозларида шундай қонун бузишлар аниқланди.

Бир қанча районларнинг совет ва қишлоқ хўжалиги органлари чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш масалаларига эътиборни сусайтириб юбордилар. Одат бўлиб қолганидек, хашаки экинлар ҳисобига ва белгиланган тартибни бузиб мелиоратив тайёргарлик босқичида бўлган ерларга пландан ташқари чигит экилган. Текширилган колхоз ва совхозларда умуман хашаки экинлар экиш плани 9,5 минг гектар кам бажарилган. Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Хоразм областларида ана шундай хўжаликлар айниқса кўпдир. Бу жойларда ҳам ҳисоботни бузиб кўрсатиш фактлари аниқланди. Чунончи, Гурлан районида амалда бўлмаган 848 гектар, Ворошилов районида 577 гектар, Қизилтепа районида 343 гектар экинзор қўшиб ёзилган.

Экинзорлар ўлчаб кўрилиши натижасида сабзавот-полиз экинлари ва картошка майдонлари пландан ташқари экинлиги ва ҳисоботда кўрсатилмаганлиги аниқланди. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини талон-торож қилиш ва ўғирлаш учун шароит яратади. Самарқанд районида пландан ташқари шундай экинлар экилган 458 гектар майдондан 453 гектари сир тутилган. Нукус, Денов ва Яккабоғ районларида ҳам шундай фактлар бор.

Урганч, Гурлан, Навбаҳор, Навоий, Ворошилов, Пайариқ, Пахтакор районларида ва бошқа баъзи районларда қишлоқ хўжалик экинлари майдонлари соҳасидаги план интизомига риоя этишдаги аҳвол айниқса қониқарсиздир. Мазкур районларнинг раҳбарлари кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш фактларига барҳам бериш юзасидан раҳбар органлар ва республика ҳукуматининг қарорларидан зарур хулосалар чиқариб олмадилар. Улар очиб ташланган қонун бузишларга принципиал баҳо бермадилар.

Мажлисда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг айрим ижроия комитетлари пахта тозалаш заводларида чигитдан фойдаланиш устидан контролни суст амалга ошираётганликлари, белгиланган тартибни бузиш фактларининг олдини олмаётганликлари, баъзи ҳолларда эса унга имкон бераётганликлари айтиб ўтилди. Масалан, Ғузор район ижроия комитети (раис ўринбосари Ўртоқ Ўлжаев) ўз фармойиши билан Ғузор пахта заводига қорамол учун район колхоз ва совхозларига 300 тонна чигит беришни топширди.

Президиум Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига экин майдонлари соҳасидаги план интизомини мустаҳкамлаш, ҳисобга олиш ва ҳисоботда давлатни алдашдек тоқат қилиб бўлмайдиган фактларига дарҳол барҳам бериш, ерлардан фойдаланишда қатъий тартиб ўрнатиш юзасидан таъсирчан чораларни кўриш вазифасини юклади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети (раиси ўртоқ Ёдгоров), халқ депутатлари Хоразм область ижроия комитети (раиси ўртоқ Худойберганова), Навоий область ижроия комитети (раиси ўртоқ Айдарқулов), Қашқадарё область ижроия комитети (раиси ўртоқ Кадин)га колхоз ва совхозларда экин майдонларини ҳисобга олишда ва ҳисоботда қонунни кўпдан-кўп қўпол бузишлар давом этаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Халқ депутатлари Навоий, Навбаҳор, Пахтакор, Ворошилов, Ленинобод, Урганч, Гурлан, Пайариқ, Ғузор район Советларига колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалик экинлари майдонлари соҳасидаги давлат ҳисоботини бузишга йўл қўйганликлари учун район ижроия комитетларининг раислари Худойбердиев, Алиқулов, Носиров, Волков, Сапаров, Мадаминов, Мадқаримов, Қаршиев, Ачқасов ўртоқларнинг ва ана шундай қонун бузишларга йўл қўйган бошқа шахсларнинг масъулиятини кўриб чиқишни тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Президиум мажлисида республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг бошқа бир қанча масалалари муҳокама этилди ва улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси шу йил 16 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессиясига келаётган депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида 15 декабрь куни соат 10 дан 19 гача рўйхатга олинадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

10 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Вашингтонда олий даражада ўтказилган учрашувни ёритган журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказди.

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Ўртоқлар!

Визит тугади, деб ҳисоблаш мумкин. Бугун делегация Ватанга жўнаб кетади. Биз ҳали Берлинда тўхтаймиз. Биз менинг Вашингтонга қилган визитим, Президент Рейган билан, Америка Қўшма Штатларининг бошқа сиёсий арбоблари билан ўтказилган музокаралар якунларини муҳокама қилиш учун Варшава Шартномаси мамлакатларининг раҳбарлари билан учрашиш ҳақида келишиб олганмиз.

Аввало, бизнинг фикримиз, визит, унинг якунлари хусусидаги мулоҳазаларимиз сизларни қизиқтиришини тушунаман, шундай бўлиши ҳам мутлақо табиий. Сизлар имкони борича кўпроқ эшитишни хоҳлайсизлар, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам, эҳтимол, кириш нутқи учун одатдагидан кўпроқ вақтдан фойдаланаман.

Аввало, бу—икки ярим йил мобайнида олий даражадаги учинчи учрашув эканини айтиб ўтмоқчиман. Шунинг ўзи ҳам, чамаси, бирон-бир маънони билдиради. Биринчи галда — Америка Қўшма Штатлари маъмурияти билан Совет Иттифоқи раҳбарияти ўртасидаги сиёсий мулоқотнинг динамикаси ҳақида гапираман. Женева ва Рейкьявик учрашувлари беҳуда бўлмади, ҳам бизнинг томонимиздан, ҳам Америка маъмурияти томонидан кўрилган бошқа тадбирлар ҳам беҳуда бўлмади, деб айта оламиз. Башарти мана шу учинчи учрашув муайян натижаларга олиб келмаганида, визитни катта воқеалар жумласига қўшиб бўлмас эди. Мана энди мен уни жаҳон сиёсатидаги катта воқеа сифатида баҳолашдан гап бошлай оламан. Ҳатто икки томонлама Совет—Америка муносабатлари нуқтаи назаридан ҳам, бутун дунё нуқтаи назаридан ҳам янги, жуда муҳим босқичга чиқиб олинганини айтиш мумкин.

Музокаралар чоғида жуда кўп гаплар бўлди. Аммо мен у тарафга ҳам, бу тарафга ҳам берилиб кетмай, визит ва музокараларнинг характери, муҳитини тушунтириб бериш ва, албатта, уларнинг сиёсий якунларини таърифлаш учун аниқ сўзлар топишга интиламан.

Хўш, якунлар юзасидан, аслида, нима демоқ керак?

Биринчиси. Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари раҳбарлари ўртасидаги сиёсий мулоқот чуқурлашди. Бугун биз Президент билан олий даражадаги Совет—Америка қўшма баёнотини қабул қилдик. Шу фактнинг ўзи сиёсий мулоқотимизнинг муайян динамикасидан далолат беради.

Ҳужжатнинг муҳимлиги шундан иборатки, у бўлиб ўтган муҳокамаларнинг кўламини ҳам, мазмунини ҳам кўрсатади. Шу ҳужжатни ўқисангиз, турли масалалар хусусидаги ҳамжиҳатлик, аҳдлашув даражасини ҳам белгилай оласиз. У орада қолаётган жиддий ихтилофлардан ҳам далолат беришини сезиб оласизлар, деб ўйлайман.

Бизнинг фикримизча, у ҳужжатнинг ижобий жиҳати нималардан иборат?

Биринчидан, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда кейинги вақтларда муайян силжишга эришилганини биз Президент билан бирга қайд этдик.

Иккинчидан, биз кейинги йилларнинг воқеаларига яна бир бор назар ташлаб қуйидаги фикрга келдик: бугун биз эришган натижаларнинг ҳаммаси Женева ва Рейкьявик учрашувининг якунларига негизланади. Айни ўша учрашувлар стратегик барқарорликни яхшилаш ва можаро чиқиш хавфини камайтириш йўлида қадамлар қўйиш имконини берди.

Биз яна — сизларнинг эътиборингизни шунга қаратмоқчиман — Вашингтондаги бу учрашувда ядро уруши ҳеч қачон бошланмаслиги керак, унда ғолиблар бўлиши мумкин эмас, мамлакатларимиз ўртасида ҳар қандай урушга — ядровий ёки оддий урушга йўл қўймасликка азму қарор берганмиз, ҳарбий устунликка эришишга интилмаймиз, деган Женева учрашуви тантанали декларациясини зўр куч билан яна бир бор тасдиқлаш лозим, деб ҳисобладик.

Биз буни бутун дунё ҳамжамияти олдида иккала буюк давлатнинг муддатсиз мажбурияти деб биламиз.

Учинчидан, ҳарбий мухолифликнинг олдини олиш реалистик йўлларини излаш ва учинчи минг йилликка яқинлашаётган инсоният учун янада хавфсизроқ дунёни барпо этиш учун Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар зиммасига тушадиган алоҳида масъулият таъкидланди.

Тўртинчидан, сақланиб қолаётган ихтилофларни (айрим бандлар соҳасидаги жуда жиддий ихтилофлар дейиш жоиз бўлган ихтилофларни) реалистик таҳлил этар эканмиз, уларни бартараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар, деб ҳисобламаймиз. Аксинча, бу ихтилофлар янада активроқ мулоқот олиб боришга ундайди.

Қўшма баёнотимизнинг мана шу **концептуал қисми**ни жамлаб, иккала давлатимиз чўзилиб кетган мухолифликдан чиқиш босқичида турибдилар ва улар мухолифликни орқада қолдиришга тайёрдирлар, деб иккала давлатимиз олий даражада эътироф қилмоқдалар, дейиш мумкин.

Бу — қўшма ҳужжатда баён этилган муҳим сиёсий якун ва муҳим сиёсий фикрнинг қайд этилиши, десам, гапимга қўшилаверинг. Совет — Америка муносабатларида янги босқичга ўтишнинг моҳияти айни мана шундан иборат.

Иккинчиси. Визит давомида ялпи асосдаги **ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартномани тайёрлашга оид кўп йиллик иш ниҳоясига етказилди.** Сизларга мълумки, биз Президент билан шу масалага оид битимни имзоладик.

Ядро қуролини тугатиш йўлидаги мана шу биринчи қадамнинг аҳамияти тўғрисида илгари ҳам гапирган эдим. Энди бу иш рўёбга чиққан, ҳужжат остига иккала мамлакатимиз халқлари номидан имзо қўйилган бир пайтда катта — ҳатто таъбир жоиз бўлса — тарихий миқёсга молик воқеа ҳақида, биргаликдаги амалий куч-ғайратларнинг зўр муваффақияти тўғрисида гапириш мумкин. Бу ҳужжатнинг моҳияти мана шундан иборат. Гап қисқартиш процентларида эмас. Гап шундаки, биз ракеталарнинг икки туркумини тугатиш тўғрисида бир битимга келиб, ядровий қуролсизланишнинг реал жараёнида янги босқич очдик.

Бу — бизнинг умумий муваффақиятимиз, иккала мамлакатимизнинг муваффақияти, айни вақтда узоқ давом этган мана шу марафон давомида, барча босқичларда муросага келиш йўлларини, янги ёндашувларни, қийин муаммоларнинг ечимини қидиришда қатнашган иттифоқчиларимизнинг ҳам муваффақиятидир. Бу ерда мен жамоатчилик ҳаракатларининг барча қатнашчиларини ҳам эслаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман, улар мамлакатларимиздаги сиёсатчиларни ва бутун дунёдаги сиёсий доираларни аввало мазкур туркумдаги ядровий қуролларни тугатишга оид мана шу шартномани тузиш мақсадида ечимларнинг изланиши ҳамма қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамай тўхтатиб қўйилмаслигига рағбатлантириб турдилар. Қийинчиликлар эса ҳақиқатан ҳам бор эди, улар уйдирма эмас, балки реал қийинчиликлар эди. Айниқса контрол соҳасидаги муаммолар кўп жиҳатдан янги муаммолар эди.

Умуман, имзоланган Шартнома — барча халқлар биргаликдаги куч-ғайратларининг якунидир. Шу сабабли бугун биз ядросиз дунё йўлида қўйилган биринчи қадам билан бир-биримизни астойдил табриклай оламиз. Бу — бизнинг умумий ғалабамиздир.

Учинчиси. **Стратегик ҳужум қуролларини реал ва тубдан қисқартириш муаммоси шу кунларда бўлиб ўтган музокараларнинг марказида бўлди.** Бу муаммо энг кўп вақт олди. Музокараларимизнинг шу бўлимига тааллуқли баъзи масалалар Оқ уйнинг майсазорида визит тугашига бағишланган расмий маросим қатнашчилари бизни кутиб турган пайтда ҳал этилди. Бунинг сабаби мутлақо равшан; чунки стратегик қуролларни қисқартириш — Совет — Америка муносабатларидаги энг асосий масаладир. У бутун жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган масаладир. Шу боисдан ҳам айни мазкур масалага оид музокаралар қандай ўтаётганлигини бутун дунё зўр эътибор билан кузатиб келганини ва ҳозир ҳам кузатиб турганини, сиз, журналистлар яхши биласизлар.

Гап стратегик ҳужум қуролларининг ярмисини қисқартириш тўғрисида бормоқда. Бу — мураккаб иш. Иккала томон бу соҳада ҳам музокараларнинг ўтган босқичида, шу жумладан ўртача ва қамроқ олислик ракеталарига оид Шартномани тайёрлаш пайтида орттирилган тажрибага таяниб жиддий ёриб ўтиш керак, деган хулосага келди. Қуролланиш пойгасини, стратегик потенциал оширилишини тўхтатиш ва уларни тугатишга киришиш учун ҳозирча реал имконият мавжуд бўлган пайтда, ҳеч кечиктирмай бу ишга киришмоқ керак.

Шу муаммоларга оид битимнинг қандай миқёслари ҳақида ҳозир гапириш мумкин? Биз Президент билан учрашиб, шу масала хусусида фикрлашиб олганимиздан кейин (музокараларнинг аввал бошиданоқ бу — марказий масала бўлди) Президент билан биз совет ва америкалик экспертлар группасини тузиш ҳақида кўрсатма бердик. Бизнинг томонимиздан группага СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи Маршал С. Ф. Ахромеев, Америка томонидан элчи П. Нитце бошчилик қилдилар.

Уч кун давомида группа кечаю кундуз ишлади. Унинг олдига Женевадаги Совет ва Америка делегациялари учун инструкцияларнинг келишилган лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилган эди. Делегациялар шу инструкциялар асосида ракетадан мудофаа системаларига оид Шартномага риоя қилиш ва келишиб олинган муддат мобайнида ундан чиқмаслик шарти билан стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш ва чеклаш тўғрисида шартнома ишлаб чиқишлари лозим, шундай қилиш керакки, бу шартнома АҚШ Президентининг 1988 йил биринчи ярмида Москвага қиладиган визити вақтида имзоланадиган бўлсин. Натижада биз Совет Иттифоқи учун, Қўшма Штатлар учун, барча давлатлар учун энг муҳим бўлган мана шу муаммо юзасидан **анчагина силжишга эришдик,** мен бу сўзларни пухта ўйлаб ва чамалаб кўриб ишлатяпман.

Маълумки, бундан аввалроқ ўртамизда СССР билан АҚШнинг стратегик ҳужум қуролларини эллик процент қисқартириш, стратегик қуролни ташувчи воситалар 1600 тадан оширилмайди ва улардаги портловчи зарядлар 6000 тадан оширилмайди, деган аҳдлашувга эришилган эди. Оғир ракеталар хусусидаги, оғир бомбардимончи самолётларни ҳисобга олиш қоидалари хусусида кичик даражада ҳам келишиб олинган эди. Бу ердаги, Вашингтондаги ишдан кейин бу аҳдлашувлар ёнига бир талай янгиликлар қўшилди.

Ниҳоят, денгиз кемаларига ўрнатилган, ядро қуроли ўрнатилган ва жуда олисликка уча оладиган қанотли ракеталарни жойлаштиришни чеклаш муаммосида силжишга эришилди. Америка томони 6000 та портловчи каллакдан ташқари ана шундай ракеталарни оширмаслик даражасини белгилашга ва бундай чеклашларни амалга ошириш устидан контрол қилишнинг ўзаро мақбул ва самарали усулларини излашга рози бўлди. Бу хусусда жуда мароқли фикрлашув бўлиб ўтди. Биз у ёки бу — сув ости ёки сув усти кемалари бевосита инспекция ўтказмай туриб уларда ядро қуроли бор — йўқлигини контрол қила оладиган миллий воситаларни яратиш соҳасида фанимиз ва техникамиз эришган ютуқлардан фойдаландик. Улар гапимизга ишонишдими ёки йўқми, билмайман, аммо биз башарти бир битимга келолсак, бу воситалар зарядлар мавжудлигинигина эмас, уларнинг қудратини ҳам миллий воситалар ёрдамида аниқлаш имконини беришига музокарадошларимиз ишонч ҳосил қилишлари учун ўз ютуқларимиз билан ўртоқлашишни таклиф қилдик. Бу муаммо — контрол муаммоси эса денгиз кемаларидаги қанотли ракеталарга оид бутун масалани ҳал этишдаги энг қийин тўсиқ эди.

Дарвоқе, фан ва техниканинг ютуқлари хусусида. Мен олимларни бундай вазифаларга жалб этиш жуда муҳимлигини Президентга айтдим. Улар ҳақиқатдан ҳам жиддий баҳо ва реал тавсиялар бера оладилар. Мен олимларнинг Америка маъмуриятига ҳам, Совет Иттифоқи раҳбариятига ҳам фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар айта оладиган Совет-Америка қўшма комиссиясини тузишни таклиф қилдим.

Музокараларнинг якунларига қайтайлик. Контрол масалалари батафсил ишлаб чиқилди. Илгари бу иш жуда қийинчилик билан ўтар эди. Бу соҳадаги ҳамжиҳатлик ўртача ва камроқ олисликдаги ракеталарга оид шартномани тайёрлаш пайтида ўтказилган муваффақиятли ишнинг натижаси бўлди.

Жами 6000 та портловчи заряд даражаси доирасида қитъалараро баллистик ракеталар билан сув ости кемаларидаги баллистик ракеталардаги портловчи каллакларнинг жами **миқдори 4900 тадан** ошмайди, деб белгиланди. Бу — янгилик, жуда муҳим янгилик эканини кўриб турибсизлар.

Биз стратегик ҳужум қуролларига оид шартномани тайёрлашни эътиборга олиб, ракетадан мудофаа системаларига оид шартнома 1972 йилда қай тарзда имзоланган бўлса, унга шу тарзда риоя этиш вазифасини, шу жумладан ракетадан мудофаа воситаларига оид шартнома юзасидан рухсат этиладиган тадқиқотлар, ишланмаларни ва зарурат туғилган тақдирда синовларни амалга ошириш чоғида ҳам риоя этиш вазифасини ҳам Совет, ҳам Америка томонининг зиммасига юклайдиган аҳднома ишлаб чиқишни Женевадаги делегацияларга Президент билан бирга топширдик. Келишиб олинган муддат мобайнида шу Шартномадан чиқмаслик ҳам писанда қилинди. Бу гапларни мен сизларга қўшма баёнотдан олиб айтдим.

Биз стратегик барқарорлик масалаларини интенсив муҳокама қилишни давом эттирамиз, деб келишиб олдик.

Ракетадан мудофаа системаларига оид шартномадан чиқмасликнинг келишиб олинган муддати тугаган пайтгача СССР билан АҚШ бир битимга келмасалар, томонларнинг ҳар бири ўзининг ҳаракат тарзини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлади, деб ҳам белгилаб қўйилди.

Кўриб турибсизларки, **биз энг муҳим ва энг мураккаб бўлган ядровий ва космик қуроллар муаммоси хусусида анчагина илгари силжидик.**

Бироқ стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш хусусидаги шартнома бир неча ойдан кейин тайёр бўлиши учун Женевадаги делегациялар катта иш қилишлари лозим, аммо бу — делегацияларнинг ўзларигина эмас, ҳам Совет Иттифоқи, ҳам Америка Қўшма Штатларининг раҳбарияти обдон ишлашига тўғри келади.

Тўртинчиси. Биз ўртача ва камроқ олислик ракеталарини йўқ қилиб ташлаш позицияларига реал равишда чиқиб олиб, стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш проблемаларига киришганимиздан кейин **оддий қурол-яроғлар ва химиявий қурол** масалалари бўртиброқ кўрина бошлади.

Бу масалалар кескинлашиб, олдинги ўринга чиқиб қолди, деса бўлади. Биз вазиятни мушкуллаштириш ниятида эмасмиз ва бу мавзуни рўкач қилиб, ундан фойдаланиб қолиш йўлидаги уринишларни қоралаймиз. Бу фикр сизларнинг хотирангизга ўрнашиб қолишини хоҳлайман, эҳтимол бу ҳақда пухтароқ ўйлаб кўрарсизлар.

Оддий қурол-яроғ масалаларида ҳақиқатан ҳам реал хавотирликлар бор. Бизда ҳам, Ғарбий европаликларда ҳам шундай хавотирлик бор. Шу сабабли биз ҳозир қурол-яроғларнинг шу турларига жуда жиддий эътибор бериш ниятидамиз. Энди бизда ўртача ва камроқ олислик ракеталарига оид шартномани тайёрлаш пайтида орттирилган яхши тажриба бор. Уни тайёрлаш чоғида нақадар мушкул жумбоқларни ҳал этишга тўғри келганлигини бу ерда ҳозир бўлган кишилар эсласалар керак. Франция билан Англиянинг ядровий потенциали тўғрисидаги масалани, оператив-тактик ракеталар тўғрисидаги масалани, Осиё регионидаги ракеталар ҳақидаги масалани ва шу кабиларни эсга олинг.

Шунга қарамай, пешвоз чиқишга тайёрлик туфайли биз Шартнома тузишга эришдик. Бундан содда бир хулоса чиқади: биз оддий қурол-яроғлар масаласида ҳам шундай иш тутишимиз керак. Жиддий масалаларни пухта суриштириб билиш, реал мавжуд бўлган хавотирликларга барҳам бериш керак. Масалан, Ғарб Варшава Шартномаси мамлакатларида устунликлар бор, деб айтмоқда, Шарқ эса НАТОда ва Ғарбий европаликларда устунлик бор, демоқда.

Айтиш керакки, улар ҳам, булар ҳам ўзича ҳақ, чунки улар реал маълумотларга таянмоқдалар. Аммо бу маълумотлар фақат бир нарсани: номутаносиблик ва номувозанат мавжудлигини, булар қуролли кучлар қурилишининг тарихий хусусиятлари натижасида вужудга келганлигини тасдиқлайди, холос.

Шу сабабли биз ишни Венада ўтаётган конференция мандати хусусидаги аҳдномаларни ишлаб чиқишдан бошлаш керак, деб ҳисоблаймиз. Музокаралар столи атрофига ўтириб, муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидирмоқ керак. Агар гап ўзаро ва бир вақтнинг ўзида қисқартириш, номутаносиблик ва номувозанатларни тугатиш ҳақида борадиган бўлса, музокаралардан маъно чиқади. Мана шундай қилинган тақдирда ҳамиша ҳам бир илож топиш мумкин бўлади. Масалан, Варшава Шартномаси Марказий Европада устун, деб айтмоқдалар. Бироқ бу ҳақда гапираётган кишилар Европанинг жанубий қанотида бизнинг чегараларимиз ёнида НАТО анча устунликка эга эканини нечундир унутиб қўймоқдалар.

Биз НАТО билан Варшава Шартномаси ташкилоти ўртасида аввало ҳужум характеридаги қурол-яроғлар чеклаб қўйиладиган йўлак вужудга келтириш сингари масалаларни ҳам муҳокама қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Етарлилик принципини аниқ-равшан белгилаб олиш ҳамда ҳарбий доктриналарни қатъий мудофаа доктриналарига айлантириш нуқтаи назаридан уларни умуман асосли равишда, амалий тарзда таққослаш лозим.

Шуни қайд этмоқчиман — Америка томони бизнинг таклифимизга жиддий, амалий тарзда ёндашди, қизиқиш билан қаради, натижада биз бу иш билан бевосита: конкрет равишда, олимлар ва экспертлар иштирокида ҳарбий идораларимиз даражасида шуғулланиш ҳақида келишиб олдик.

Қисқаси, мен оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучлар юзасидан Президентга шу ерда, Вашингтонда янги сиёсий туртки — ядровий қуролсизланиш хусусидаги Женева музокаралари боши берк кўчага кириб қолганини кўрганимизда, шу муаммолар хусусида Рейкьявикда берилгани каби туртки беришни таклиф қилдим. Бу туртки ўша пайтда фойда берган эди ва энди биз ядро қуролларини тугатиш хусусида биринчи Шартномага эга бўлиб қолдик.

Ҳозир биз оддий қурол-яроғлар хусусида ҳам шундай қилишимиз мумкин. Биз, айни шундай ҳаракат қилиш: музокаралар столи атрофига ўтириб, ҳамма гапни ўртага ташлаш, беҳуда тортишувларнинг ҳаммасини улоқтириб ташлаш керак, деб ҳисоблаймиз. Дарвоқе, бу ким муғомбирлик қилаётганлигини ва ким ҳалол иш тутаётганини кўришга ёрдам беради, чунки кимда қанча қурол борлигини эмас, қайси қуроллар қаерда тургани ва ётганини америкаликлар ҳам, ғарбий европаликлар ҳам биладилар, биз ҳам биламиз, иттифоқчилар ҳам яхши биладилар. Ғарбдаги музокарадошларимиз ҳам, биз ҳам буни билишимизни ҳатто яхши, деб ўйлайман. Билиш — катта нарса. Бор гапни ўртага ташлаш, барча маълумотларни айтиш, уларни чамалаб кўриш, қурол-яроғлар ва қўшинлардаги номутаносибликни аниқлаш, сўнгра муаммоларни ҳал этишга киришиш керак. Бизнинг ёндашувимиз мана шундай.

Бизга келганда, шуни тўғридан-тўғри айта оламан: биз бу иш билан дарҳол шуғулланишга тайёрмиз ва шундай қилишни талаб қиламиз. Иттифоқчиларимизнинг ҳам фикри мана шундай. Бу ўринда ҳаммамизнинг нуқтаи назаримизни билдиряпман.

Бунинг устига биз жуда туб қисқартиришларга тайёр эканлигимизни айтаман. Биз бунда ҳам реалистлар бўлишга интиляпмиз. Афтидан, бу ўз босқичларига эга бўладиган жараёндир. Бир йўла ҳаммасини ҳал қила олмайсан киши. Аммо буни музокаралар столи атрофига ўтириб, носимметрия ва номутаносибликни тугатиш билан шуғулланишдан, қарама-қарши туриш даражасини тубдан камайтиришдан бошлаш керак. Бу каттагина ютуқ бўлур эди. Бу ишни яқин вақт ичида амалга ошириш мумкин.

Бошқача сўзлар билан айтганда, оддий қурол-яроғларга доир масалаларда томонларнинг хавотирлигига эътибор бериб амалий муносабатда бўлиш лозим.

Президент билан музокараларда биз химиявий қуроллар тўғрисидаги масалани худди шу асосда ўртага қўйдик. Бундай қуролларни тугатишнинг муҳимлиги яққол кўриниб турибди. Бу проблема аллақачондан буён кўриб чиқилмоқда. Кейинги вақтларда томонларнинг амалий баҳамжиҳат ҳаракати туфайли уни муҳокама қилиш тезлашганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Мен М. Тэтчер билан учрашув чоғида ва бу ерда, АҚШ президенти билан музокаралар вақтида мазкур проблемани ҳал этишга Англия, ГФР ва Европадаги бошқа мамлакатларнинг ҳиссасини қайд этиб ўтишни зарур деб ҳисобладим. Мен бу нарса бизни ҳам рағбатлантирди, деб айтган бўлур эдим. Совет Иттифоқи, айниқса, химиявий қурол запасларини йўқ қилиб ташлаш устидан контроллик масалаларида амалий ҳаракат қилди. Дарвоқе, биз химиявий қурол ишлаб чиқаришни тўхтатганимизни яна бир бор эслатиб ўтаман.

Қўшма Штатлар ҳам ижобий баёнот берди. Лекин кейинги вақтларда конвенцияни ишлаб чиқиш йўлидаги ҳаракат яққол секинлашганлиги маълум бўлиб қолди ва биз бу ҳақда Президентга ҳамда Америка томонидан музокараларнинг қатнашчиларига рўй-рост айтдик. Биз бу йўлдаги ҳаракат Америка Қўшма Штатларининг айби билан секинлашиб қолди, деб ҳисоблаймиз. Биз Америка томони химиявий қуролни ёппасига ва батамом тақиқлашдан иборат Женевада келишиб олинган мақсаддан юз ўгиришни, бундай қуролнинг бинар типларини тақиқламай қолдиришни истаётганлигини сездик. АҚШ ҳатто конвенция шундай камчиликлар билан имзоланган тақдирда ҳам контрол объектларини фақат давлат объектлари билан чеклаб қўйишни истарди.

Хўш, бу нимани билдиради? Совет Иттифоқи учун бу ҳамма объектлар контрол қилинишини, Америка ва ғарбий европаликлар учун эса деярли ҳеч қандай объект контрол қилинмаслигини билдиради. Шу ҳам баб-баравар ёндашувми? Шу ҳам хавотирликларни эътиборга олишми? Шу ҳам шерикчиликми?

Совет Иттифоқи бир томонлама устунликларни изламаётганлигини, қуролсизланиш жараёнида мутаносиблик, мувозанат ҳар бир босқичда сақлаб туриладиган тарзда барча йўналишларда ҳаракат қилиб боришга тайёр эканлигини Қўшма Штатлар маъмурияти, барча ғарбий европаликлар, музокараларнинг ҳамма қатнашчилари англаб олишлари лозим. Бу айни шундай бўлишини биз қаттиқ талаб қилаверамиз. Чунки, бирор томон ишончсизликни сезаётган, уни орқада қолдириб кетишяпти, деб ҳисоблаётган экан, бу қуролсизланиш жараёнига путур етказади, асабийлик, ишончсизликни юзага келтиради, музокараларнинг муҳитини мушкуллаштиради.

Америка томонининг эътибори шунга жалб қилинди. Биз номутаносибликларни бартараф этишни ҳамда шу нуқтаи назарни учрашувнинг якунловчи ҳужжатида акс эттиришни таклиф қилдик. Гарчи химиявий қурол тўғрисидаги музокара қийинчилик билан борган бўлса-да, пировард натижада томонлар конвенцияни тайёрлашга доир музокараларни яна ҳам интенсив равишда олиб боришлари тўғрисида аҳдлашиб олишга муваффақ бўлинди. Биз Президент билан мана шу ғоят муҳим масалани ҳал этишга азму қарор берганлигимизни изҳор қилдик ва экспертларга химиявий қуролни ишлатмаслик тўғрисида ва уни тарқатмаслик ҳақидаги масалани ҳам актив муҳокама қилишни давом эттиришни топширдик.

Ҳамиша ниҳоятда муҳим бўлиб келган, эндиликда — ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартнома имзолангандан кейин ҳамда стратегик ҳужум қуролларини камайтириш борасида силжиш бўлиши кутилаётганлиги муносабати билан яна ҳам кўпроқ актуал бўлиб қолаётган яна бир проблема борки, бу — ядро синовларини тўхтатишдир. Биз билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида мазкур масала хусусида музокаралар бошланганини биласизлар. Биз президентнинг олдига ўзгарган вазиятда шу жараёнга ва музокараларга, уларнинг мазмунига янгича назар ташлаш ниҳоятда матлуб бўлур эди, деган масалани қўйдик ва бу бизнинг мамлакатларимизда ҳам, бутун дунёда ҳам тўғри тушунилган ҳамда унга тегишли тарзда баҳо берилган бўлур эди. Биз ядро портлатишларининг қувватини камайтириш ва ядро синовлари миқдорини қатъиян озайтириш тўғрисида яқин вақт ичида аҳдлашиб олиш матлуб эканлигини айтдик. Аммо бу тўхтаб қолмасдан тобора олға ҳаракат қилиб бориш учун тезроқ қўйилиши лозим бўлган энг кичик қадамдир.

Айни вақтда ҳозирги янги вазиятда биз жаҳон жамоатчилигининг талабларини эътиборга олиб, ҳурмат қилиб, музокаралар олиб бориладиган даврда ядро синовларига ўзаро мораторий ўрнатишни ҳақли ва мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Афсуски, бутун дунёда ташвиш уйғотаётган мана шу ғоят муҳим масалада биз ҳозирча музокарадошларимизнинг тушунишига эришмадик. Модомики, биз қуролсизланишни бошлаган эканмиз, демак, ҳар қандай масалани шу жиҳатдан кўриб чиқиш ҳамда айнан шундай фикрлаш ва ҳаракат қилиш лозим. Шу боисдан биз музокаралар ўтказиладиган даврда ядро синовларига ўзаро мораторий жорий этиш тўғрисида Америка маъмуриятига қилган муҳим таклифимиз ҳали ўйлаб кўрилиб, атрофлича чамалаб чиқилади, деган умиддамиз. Эҳтимол, АҚШ маъмурияти халқ билан маслаҳатлашиб олар. Бизга, Америка — демократик мамлакат, дейишади. Шундай экан, у ердагилар бу хусусда халқ билан маслаҳатлашсинлар, эҳтимол, бизнинг таклифимизга ижобий жавоб қайтаришар. Биз умидимизни узганимиз йўқ.

Бўлиб ўтган музокараларнинг ҳарбий жиҳатлари хусусида яна нималарни айтишни истардим? Контрол масалаларида жиддий, ниҳоятда муҳим ёриб ўтиш рўй берганлигини таъкидлайман. Ўртача ва камроқ олислик ракеталари тўғрисидаги Шартнома рўй-ростлик ва ошкораликнинг мислсиз стандартларини белгилайди, деб айтган бўлур эдим. Ўзаро текшириш ҳамда контрол қилишнинг ҳажмлари ва чуқурлиги мислсиздир.

Биз неча марталаб айтиб келган позиция амалда тасдиқланди: гап қуролсизланиш устидан контроллик тўғрисида борган тақдирда биз ғоят қаттиқ, ниҳоятда амалий контролнинг энг содиқ тарафдорлари бўламиз. Контрол тўғрисида фақат гап-сўзлар юритилиб, уларнинг ниқоби остида қуролланиш пойгаси давом эттириладиган бўлса, контролнинг маъноси қаерда қолади? Умуман, қуролсизланиш устидан, қурол-яроғларни йўқ қилиб ташлаш устидан контроллик бўлганида ва ўзаро тенглик принципларига риоя этилиб, амалга оширилганида, биз ҳар қандай ғоят қатъий контролликнинг тарафдоримиз.

Бу ҳозир, биз стратегик ҳужум қуроллари билан боғлиқ проблемаларни ҳал этишга ёндашаётган, химиявий қуролларни тугатиш проблемасига биз жуда яқинлашиб қолган бир пайтда, айниқса, муҳимдир. Бунинг устига ҳозирнинг ўзидаёқ бизнинг тажрибамиз бор ва биз ўзимизни энди дадилроқ ҳис этяпмиз.

Биз президент билан бошқа масалалар: регионал, гуманитар масалаларнинг кенг жиҳатлари юзасидан ҳам фикрлашиб олдик. Регионал проблемаларни муҳокама қилиш осон бўлмади. Биз бу ерга жиддий ниятлар билан, энг ўткир масалалар хусусида ҳақиқатан ҳам аҳдлашиб олиш таклифлари билан келганмиз. Биз регионал можароларни ҳал этишга шундай нуқтаи назардан биргаликда ёндашишни ўйлаб кўриш зарурлигига эътиборни қаратдик: биз ҳозир жаҳон ҳамжамиятининг мавжуд регионал можароларини сиёсий воситалар билан ҳал этишга бўлган сўзсиз интилишининг гувоҳларимиз. Кўпгина сиёсий доираларнинг, ҳукуматларнинг муносабатида, жаҳон жамоатчилигининг ҳаракатларида шу нарса равшан намоён бўлмоқда.

Мана шундай ҳодиса яққол кўриниб турибди.

Бу нарса СССР ва АҚШга — кўп нарса боғлиқ бўлган икки мамлакатга жаҳон сиёсатининг мана шу ғоят ўткир муаммоларини ҳал этишда реал бирон нарса қилиш учун имконият беради.

Биз бу соҳада олисга силжидик, деб айта олмайман. Шунга қарамай, АҚШ маъмурияти регионал муаммоларга анча реалистик ёндаша бошлаганини мен ҳам, делегация аъзолари ҳам ҳис этдик. Дарҳақиқат, бунда янгича ёндашувлар лозим. Энг муҳими эса, биз ҳам, америкаликлар ҳам, бошқа мамлакатлар ҳам бунда барча халқларнинг ўз йўлини танлаб олиш ҳуқуқини эътироф этишга асосланишлари кераклиги шубҳасиздир. Бу ғоят муҳим, бошланғич нуқтадир.

Регионал муаммоларнинг тугунини ечишни инсон ҳуқуқларидан, гуманитар масалалардан ҳам ажратиб бўлмайди. Хавфсизликка, яшашга, ўзининг миллий ишларини ўз хоҳишича, ўзи танлаганича юритишга бўлган ҳуқуқдан ҳам юқорироқ нарса бўлиши мумкинми! Демократик формалар ва жараёнлар учун мамлакатнинг ишончли хавфсизлигидан ҳам қулайроқ нима бўлиши мумкин!

Шундай қилиб, мана шу масалаларнинг ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғланган. Биз Афғонистондаги аҳволга айни шундай позициялардан ёндашяпмиз. Биз ички қонли можарони тўхтатиш, унинг қайта такрорланиши, сиёсий бартараф этишнинг реал жараёнида жаҳон ҳамжамиятининг манфаатлари учун жиддий оқибатлар келтириб чиқарадиган вазият юзага келиши эҳтимолининг олдини олиш имконини берадиган тарзда аҳволни бартараф этиш тарафдоримиз.

Биз, Афғонистонда Советлар тарафдори бўлган режим ўрнатилишини хоҳламаймиз ва шундай бўлишига интилаётганимиз йўқ, деб рўй-рост айтдик. Лекин Америка томони ҳам у Афғонистонда америкапараст режим бўлишига интилмаётганлигини худди шундай аниқ қилиб айтиши керак. Эркин, қўшилмаган, бетараф Афғонистонда яраш асосида, сиёсий реалликларни бирлаштириш ва эътиборга олиш, ҳамкорлик асосида, турли кучлар коалицияси ва уларнинг миллий ярашуви асосида ҳукумат тузилиши лозим. Бинобарин, биз — ҳар иккала мамлакат бунда кўп ишлар қила оламиз.

Биз Афғонистонга доир масалани шундай қилиб қўйдик: қўшинларни олиб чиқиб кетиш тўғрисида сиёсий қарор қабул қилинди, муддат — 12 ой, деб айтилди, бу муддат камроқ ҳам бўлиши мумкин. Бу — Кордовес комиссияси билан келишиб олиниши лозим бўлган тўртинчи банддир. Биз масалани шундай тушунамиз: қўшинларни олиб чиқиб кета бошлаш муддати айни вақтда душманларга қурол билан ёрдам бериш ва уларни пул билан таъминлашни тўхтатишнинг бошланиши ҳам бўлиши керак. Шу нарса эълон қилиниши биланоқ биринчи кундан бошлаб қўшинларимиз олиб чиқиб кетилади. Қўшинларимиз ҳарбий операцияларда қатнашмайдилар, ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳоллари бундан мустасно. Уруш ҳаракатлари тўхтамоқда, аҳволни сиёсий йўл билан бартараф этиш жараёни бормоқда, биз бу жараёнга ўз таъсиримиз доирасида кўмаклаша оламиз. Аммо, энг муҳими — Афғонистоннинг ўзидаги реал кучларда, барча томонларда қолган.

Мана шуларнинг ҳаммасидан сиёсий бартараф этиш жараёнига кўмаклашувчи реал ҳужжатга эришиш мумкин бўлса керак. Биз бу йўналишдаги ишни давом эттиришга аҳдлашиб олдик.

Вашингтондаги музокараларда биз Марказий Америкадаги, Яқин Шарқдаги, Жанубий Африкадаги регионал можаролар тўғрисида, Форс кўрфазидаги аҳвол ҳақида ва ҳоказолар тўғрисида ҳам гапирдик.

Икки томонлама Совет — Америка муносабатлари тўғрисида. Совет позицияси бундай эди: СССР билан АҚШ — катта иқтисодий, интеллектуал ва ҳарбий потенциалга эга бўлган жаҳон давлатлари. Уларнинг халқаро ишлардаги таъсири ғоят катта. Уларнинг роли мана шу билан белгиланади, уларнинг масъулияти шу билан белгиланади.

Кўп йил давом этган мухолифлик, кескин рақобатчилик зиёндан бошқа ҳеч нарса келтирмади. Биз бир-биримизсиз ҳам яшай олишимизни: савдо қилмасдан, кенг илмий ва маданий алоқаларсиз, жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилмай яшай олишимизни аллақачон етарлича исботладик. Аммо бунда, биз шуни исботлашимиз керакмиди, деган савол туғилади. Бу тинимсиз оғир ва беҳуда меҳнатни эслатмайдими, ахир. Икки буюк халқ, икки буюк давлат урушдан кейинги деярли бутун йиллар мобайнида бир-бирига кескин қарши нураш натижасида вужудга келган вазиятни наҳотки ўйлаб кўришмаса.

Мана шуларнинг ҳаммасини идрок этиш пайти келди ва мен Президент билан унинг шерикларига, сизларга сиёсатчилар халқларнинг кайфиятларидан орқада қолишаётгандек туюлмаяптими, дедим. Биз ўз мамлакатимиздаги кайфиятлардан кўриб турибмиз, биз Америка халқининг кайфиятларидан ҳам кўриб турибмиз: улар — яхшилик сари ўзгариш тарафдоридирлар. Уларнинг ўзлари ҳозирдаёқ ҳаракат қилиб, алоқа ўрната бошламоқдалар, шундай алоқаларнинг турли форма ва усулларини изламоқдалар, болалардан тортиб то кўпни кўрган кишиларгача ҳайрон қоларли даражада топқирлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Мухолифликнинг сўнгги саҳифасини ёпиб, янги босқични очиш вақти келганлигини ҳамма тушунмоқда.

Булар жуда кучли талаб бўлиб, ҳукуматларимизнинг сиёсатида ўз ифодасини топиши керак, деб ўйлайман. Сизларни ишонтириб айтаманки, бу хусусда совет раҳбариятининг фикри битта. Қатъий қарор қабул қилинди, бу ҳақда мен бугун гапиряпман: биз Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни қатъиян яхшилаш тарафдоримиз. Бу бизнинг халқларимизга зарур, бу бутун дунёга зарур.

Мен Президентга бизнинг муносабатларимиз қандай қурилаётганига дунё кулги билан ва масхараомуз назар ташлаётганлигини эслатиб ўтдим. Бу хусусда биз ҳар қандай проблемага терс келиб, чўчиб ёндашишимиз тўғрисида жуда кўп ҳар хил гаплар айтилган. Бунда биз асло тўғри йўлдан бормаяпмиз. Агар тўхталмаса, бу нотўғри йўлдан қайтиш қийин бўлиб қолиши мумкин, деб ўйлайман.

Назаримда, музокараларда эришилган нарсаларнинг ҳаммаси ва шу кунларда мен билан Президент, бошқа сиёсий арбоблар кўпчилик олдида айтган гаплар, қандайдир тор гуруҳларни истисно қилганда, шундай ёндашувга ва шундай тушунишга қаршилар йўқлигини тасдиқлаб турибди. Масъулиятли сиёсий баёнотлардан кейин масъулиятли, реал қадамлар қўйилган тақдирда бизни олдинда яхши даврлар, яхши йиллар кутмоқда. Буни бизнинг халқларимизгина эмас, шу билан бирга бутун дунё маъқуллаб, қуллаб-қувватлайди, деб ўйлайман.

Вашингтонга сафар қилиш олдидан сўнгги ҳафта мен чет эллик арбоблар — Африканинг таниқли сиёсат арбоби Каунда, Австралия Бош министри Хоук билан учрашдим. Улар Ғарбдагилар ҳам, барча қитъалардагилар ҳам халқаро муносабатларнинг яхшиланишига умид қилаётганликларини АҚШ Президентига етказишини менга қатъият билан маслаҳат бериб, илтимос қилдилар. Мен суҳбатни сизлар ҳам ўз ҳиссаларингизни қўшишингиз керак, деган мавзуга бурдим. Аммо мени яна масалани бошқача қўйишга қайтариб, биз ўз ҳиссамизни қўшамиз, аммо энг муҳими — СССР билан АҚШ ўзаро аҳдлашиб олса бўлгани, дейишди. Биз мана шуларнинг ҳаммасини англаб олишимиз ва реал

(Давоми учинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

М. С. Горбачевнинг матбуот конференциясида.

ТАСС телефотоси.

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

сиёсатда рўёбга чиқаришимиз керак, деб ўйлайман. Бунинг вақти келди.

Ишонтириб айтаманки, биз мана шундай англашга асосланиб ҳаракат қилаверамиз. Биринчи суҳбатда мен бу ҳақда Президентга айтдим. Конгресс раҳбарлари билан, Америка интеллектуал доираларининг намояндалари билан учрашувда, Американинг йирик ноширлари билан, Америка савдо-саноат доираларининг вакиллари билан учрашувда шуни айтдим. Мен кўпчилик олдидаги ўзимнинг ҳамма нутқларимда бу ҳақда айтдим.

Бизнинг овозимизга қулоқ солинади, деб умид қиламан. Менимча, овозимизни Америка халқи эшитди. Ҳатто кўчада одамларнинг муносабати ҳам ўзгармоқда. Тўсатдан Вашингтон кўчаларида яхши кайфиятдаги американликлар пайдо бўлиб қолишди, улар бизга қўл силкишаётган эди. Бугун биз вице-президент билан машинани тўхтатиб, американикларнинг бир группаси олдига чиқдик. Мен уларнинг кайфиятини ҳис этдим. Мен уларга, биз бир-биримизга қандай яқинлашувимиз, ҳамкорлигимизни қандай яхшилашимиз кераклиги тўғрисида гаплашиб оляпмиз. Президентни қистайверинглар, бизда совет халқи бунга жуда қаттиқ қистамоқда, дедим. Зотан, мен сиёсат билангина эмас, балки ташвиқот билан ҳам шуғулландим. **(Залда жонланиш).** Ҳолбуки, реал, прогрессив, амалий сиёсат — энг яхши ташвиқот деб ҳисоблайман.

Икки томонлама масалаларда қандай қилиб яқинлашишимиз тўғрисида ўйлай бошлашимиз биланоқ шуғулланиш мумкин бўлган кўпгина проблемалар дарҳол намоён бўлиб қолди. Сизлар ҳам баёнотда буни топасизлар. Баёнотда конкрет ишлар: иқлим ҳам, атмосфера озонини сақлаб қолиш ҳам, космосдан тинчлик мақсадида фойдаланиш ҳам, Марсга учиш ҳам, медицина, термоядро реактори, савдо-сотиқ ва ҳоказолар ҳам мавжуд. Бу бизнинг конкрет қўшма лойиҳалар билан шуғулланишимиз учун имкониятлар очади.

Шундай қилиб бу кунлар жиддий мунозаралар, фикрлар ва қарашларни бир-биримизга баён қилиб бериш билан ўтди. Менимча, визитнинг мазмуни мулоқот салмоқли бўлди, якунлар ҳам салмоқли, деб айтиш имконини беради. Биз изчиллик билан қадам-бақадам ҳаракат қилиб, қанчалик қийин бўлмасин — жуда қийин бўлишига ишончим комил — ўзаро манфаатларни эътиборга олиб, ўзаро мақбул қарорларни излаб топиш йўлидан бораверсак, мана шуларнинг ҳаммаси ўз самараларини беради. Бундай жараёнга қудратли омил бағишланди.

Пировардида визит арафасида ҳам, визит чоғида ҳам Америка халқи изҳор қилган ҳис-туйғулар тўғрисида яна бир бор чин дилдан айтишни бурчим деб ҳисоблайман. Матбуот конференциясига қадар биз бир группа ёшлар билан учрашдик. Мен уларга, Америка ёшлари ҳам, совет ёшлари ҳам биз, сиёсатчиларга қараганда тезроқ тил топишади, дедим. Уларнинг комплекс муаммолари йўқ. Биз эса аҳдлашиб олишдан аввал ўтмишдаги сийқа қарашлардан халос бўлишимиз, йўлдаги уйимларни олиб ташлашимиз лозим бўлади. Ёшинг улғайганда бундай қилиш унча осон эмас. Ёшлар эса бир-бирига очиқ чеҳра билан пешвоз чиқиб, тезда умумий тил топиб кетишади. Яна бу юзаки, болаларча енгил-елпи ёндашув эмас. Йўқ, улар жиддий кишилар экан. Улар 15—17 ёшда бўлишларига қарамай, шахсий проблемалари тўғрисидагина эмас, шахсан ўзларига қизиқарли бўлган нарсалар ҳақидагина эмас, балки тинчлик тўғрисида, бу дунёда қандай яшаш кераклиги ҳақида ҳам ғоят жиддий ўйламоқдалар. Ғоят ҳайратга соладиган мўъжиза. Дарвоқе, бу ҳақда ёзиш керак.

Ахборот воситаларининг раҳбарлари билан суҳбатларда гарчи мен жонли суҳбатларнинг астойдил тарафдори бўлишимга қарамай, нима учун камдан-кам интервью беришимни сизларга тушунтиргандим. Уч-тўрт-беш интервью айни бир хил саволлар берилишини кўрсатди. У ҳолда нима ҳақда гапириш керак, вақтни беҳуда ўтказишнинг нима ҳожати бор? Бизда 4 минг эмас, 2 минг эмас, 500 эмас, балки 22 киши Қонунни бузганлиги учун жазосини тортиб ётганлиги, ҳозир бизда мудофаа техникаси ва ҳисоб техникаси, бошқариш системалари билан, хуллас, давлат сирлари билан алоқадор бўлган 220 кишига жўнаб кетиш учун рад жавоби берилганлигини исботлаб ўтириш керакми? Сизлар бизга нима дейишларингиздан, нималарни ёзишларингиздан, бизга ким қай томондан бақиришидан қатъи назар — ана шу сирлар эскирмагунча биз уларни чиқариб юбормаймиз. Дунё ҳозир шундай экан, биз бу билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Аммо шунга қарамай бизнинг муносабатларимизда ҳамма нарса мана шунга келиб тақалади, ҳақиқатни англаб олиш, бир-бирини фикр юритишга ундаш учун эмас, балки бирон-бир сиёсатчини қандай қилиб бўлса ҳам тезроқ бирон нарсада фош этиш, танг аҳволга солиб қўйиш учун интервью олмоқчи бўладилар.

Буни мулоқот деб бўладими, ахир! Суҳбат шунинг учун ўтказиладими, ахир? Умуман, оммавий ахборот воситаларининг вазифаси шундан иборатми? Одамлар яхшироқ яшашни хоҳлайдилар, одамлар бир-бирларини яхшироқ тушунишни хоҳлайдилар, одамлар мулоқотли бўлишни, дўст бўлишни хоҳлайдилар. Ваҳолонки, ҳозир матбуот орқали қанчадан-қанча аланга олдирилмоқда. Бунда гўё ошкоралик кўпроқ бўлишига асосланаётгандек иш тутадилар. Мен сиёсатчилар яхши-ю, аммо оммавий ахборот воситаларида ёмон кишилар ишламоқда, деб сизларни айбламоқчи эмасман. Йўқ, оммавий ахборот воситалари ҳам ўзини-ўзи қайта қуриши кераклигини, янги тафаккурни ўзлаштириши лозимлигини шунчаки айтиб ўтяпман. Хўш, сизлар бунга қўшиласизларми? **(Залда жонланиш).**

Келинглар, биргаликда фикр юритайлик, биз ҳаммамиз бир қайиқдамиз, ахир. Ёки сизларга ҳаммаси равшанми? Агар шундай бўлса, менинг сизларга ҳавасим келади. Аммо айни вақтда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма нарса равшан бўлса, ачинаман. Шу ҳақда бир ўйлаб кўринглар.

Кези келганидан фойдаланиб, американикларнинг фикр-мулоҳазаларига, уларнинг шу кунларда намоён этган ҳис-туйғуларига тўхталиб ўтмоқчиман. Визит поёнига етаётган ҳозирги пайтда иззат-икром учун, астойдил ҳис-туйғулар учун, самимийлик учун раҳмат айтмоқчиман. Буни Совет Иттифоқидагилар, совет халқи пайқаб олишига ва жуда самимий, жонли, инсоний фикр билдиришига улар умид қилишлари мумкин. Улар бу сўзларни эшитишларини хоҳлайман. Ватанимизга қайтиб боргач, биз бу ерда бўлишдан олган таассуротларимизни гапириб берамиз.

Визит Вашингтон билан чекланди. Вазият имкон берган пайтда яна Америка Қўшма Штатларига келиб, одамлар билан гаплашишни жуда хоҳлайман. Бу — менинг астойдил истагимдир.

Америка халқига ўз диёрида яхши зафарлар, яхши ишлар ва умидлар тилайман. Тинчлик, ҳамкорлик ва умумий тараққиёт борасида совет халқи уларга ишончли шерик бўлади, деб уларга ваъда бераман.

Сизларга ташаккур. **(Қарсаклар).**

Сўнгра М. С. Горбачев журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Савол: Сиз ўзингизнинг «қайта қуриш» китобингизда, нутқларингизда Совет Иттифоқидаги демократиялаш жараёни ҳақида гапирасиз. Ҳозир Сиз Американинг демократия концепциясига, ҳеч бўлмаганда оз-моз назар ташлаган пайтингизда Сиздан шуни сўрамоқчиман: Сиз нимани ўргандингиз, нимани билдингиз, Американинг демократия тўғрисидаги тасаввури билан ўзингизнинг демократиялашув тўғрисидаги тасаввурингиз ўртасида қандай тафовутларни пайқадингиз?

Жавоб: Сизда ҳам, бизда ҳам Америка жамияти қандай қадриятлардан ва бизнинг жамиятимиз қандай қадриятлардан таркиб топганини янада синчиклаб билиб олиш зарурати борлигини ҳис қилдим.

Бу муаммо Президент билан яккама-якка учрашувда ҳам, кенг доирада ҳам, шу жумладан, конгресс раҳбарлари билан учрашувда ҳам жиддий мунозара ва муҳокама тусини олди. Ниҳоят, биз шундай деб келишиб олдик: келинглар, мана шу демократия тўғрисидаги, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги, гуманитар соҳага оид ҳамма масалаларни сиёсий чайқовчилик соҳасидан Америка халқи ўзи танлаб олган йўлдан бориб ҳосил қилган ва совет халқи 1917 йилда ўз йўлини танлаб олиб эришган қадриятларни реал ўрганиш ва улар билан танишиш соҳасига кўчирайлик.

Биз бу ишни Олий Совет ва АҚШ конгресси даражасида коллоквиумлар, семинарлар, учрашувлар, бафуржа суҳбатлар, фикрлашувлар уюштириш орқали қилиш керак, деб келишиб олдик. Биз ўз вазиятимизни тушунтириб, таърифлаб беришга ҳамда Америкадаги вазиятни қандай тушунишимиз ҳақидаги фикримизни айтишга тайёрмиз. Худди, шунингдек, Америка томони ҳам ўзи зарур деб ҳисоблаган гапни салмоқли, асосли равишда айтиши керак. Яъни, бу иш билан жиддий шуғулланиш лозим. Бу иш фойдали равишда қилинажагини пайқаб оламиз,деб ҳисоблайман.

Савол: Бош секретарь жаноблари, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда савдо-сотиқнинг ҳажми энг нонормал шароитлардан бири бўлиб турибди. Учрашув чоғида бу масалани Президент Рейган билан ёки бошқа раҳбарлар билан муҳокама қилиш имкониятингиз бўлган-бўлмаганлигини айта оласизми? АҚШ билан СССР ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик имкониятлари тўғрисида қандай фикрдасиз?

Жавоб: Катта мавзуга тааллуқли жуда қизиқарли савол. Модомики, биз муносабатларимизни яхшилик тарафга ўзгартириш йўлини жиддий равишда танлаб олган эканмиз, бошқа бирон йўналишдаги ривожланиш бўшашишига йўл қўя олмаймиз, деб ўйлайман. Иқтисодий ҳамкорликни ва савдо-сотиқни кенгайтириш учун шу пайтга қадар амалда оз иш қилинган эди.

Иқтисодий алоқаларни, иқтисодий муносабатларни қайта қурмай туриб сиёсий мулоқотни муваффақиятли олиб бориш мумкин, деб умид қилиб бўлмайди. Уч кун мобайнида мен Президент билан ҳам, конгресс раҳбарияти билан ҳам кўп гаплашдим, конгресс шу қадар кўп тузатишлар киритиш орқали бу ишга ўзининг «ноёб ҳиссасини» қўшди-ки **(кулги)**, энди мана шуларнинг ҳаммасини суриб ташлаш учун каттакон бульдозер керак бўлади. Мен улардан мана шу вазиятни ўйлаб кўришни илтимос қилдим. Бугун бизнесменлар билан, Америка савдо-саноат доираларининг йирик намояндалари билан катта гурунг бўлди. Бу муҳим соҳада яхшилик сари ўзгариш қилиш зарурати тушуниб етилди, деб айтиш мумкин. Якунловчи ҳужжатда бу хусусда ҳам ёзилган. Бу ёзув савдо-сотиқни, иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни, йирик лойиҳаларни амалга оширишни, шу жумладан, қўшма корхоналар барпо этишни рағбатлантиришга қаратилган. Бу сиёсий қайд Америка бизнеси билан Совет Иттифоқининг савдо-саноат доираларига ғоят жўшқинлик билан ишлаш имконини беради, деб ўйлайман. Совет Иттифоқини биладиган кишиларнинг фикрича, бу соҳада жуда катта имкониятлар бор.

Бугун Американинг бир вакили айтишича, у Хитой билан ўрнатилган алоқалардан фарқли ўлароқ, Совет Иттифоқининг харид қобилияти жуда катталигини ва шу сабабли мустақил корхоналар ташкил этишга жуда катта омил мавжудлигини пайқаб олибди. Аммо, бу рақобат эмас. Хитой билан биз ҳам, сиз ҳам муносабат ўрнатганмиз, сизларнинг муносабатларингиз янада ривожланадиган бўлса, биз буни табриклаймиз. Бизнинг қўшнимиз — ХХР билан, дўстларимиз билан муносабатларимиз ривожланаверади, деб ўйлайман.

Савол: Кейинги ҳафта мобайнида бир неча бор, жумладан, Совет ташқи ишлар министрлиги олдидаги намойиш вақтида сизнинг маъмурларингиз зўравонликсиз, тинч намойишларни тарқатиб юбордилар. Бу нима — қайта қуришми, ошкораликми?

Жавоб: Қонунга хилоф иш қилинган жойларда давлат мавжудлигини, қонунлар яшаб турганлигини тасдиқлаши лозим бўлган кучлар ҳаракат қила бошлайди. Бироқ қонунга хилоф иш қилинган тақдирда, баъзан жанжаллар чиқади . Аммо бу ҳолатда қонунда белгилангандек ҳамма иш нормал ўтди ва жанжалга йўл қўйилмади.

Савол: Баъзи ходимларингиз Сиз келмасдан аввал, ракетадан мудофаа воситаларини чеклашга доир битимга риоя этилишини, албатта, шарт қилиб қўймай туриб ҳужум қуроллари хусусида муайян силжишга эришиш мумкин, стратегик мудофаа хусусида қандайдир муросага келиш мумкин, деб бирмунча шаъма қилган эдилар. Аммо ҳозир Сизлар мана шу боғланишни аввалгидек ўтказаяпсизлар, деган таассурот туғилмоқда. Музокаралар чоғида Сиз мана шундай боғланишни талаб қилганингизни маъмурият кўрсатиб ўтди. Ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусида аввал Шартнома тузмай туриб стратегик ҳужум қуроллари юзасидан Шартнома тузиш борасида Президентнинг визитигача келишиб олишнинг бирон-бир имконияти бор, деб ҳисоблайсизми ёки бу доимий боғланишми?

Жавоб: Бизнинг позициямиз менинг кириш нутқимда баён этилган. Президентнинг Совет Иттифоқига визити Шартномани имзолаш билан тугалланиши устида биз зўр бериб ишлаймиз. Биз келишиб олинган ва якунловчи ҳужжатда эълон қилинган принциплар асосида амалий ҳаракат қиламиз.

Савол: Яқинда Сиз қуролли кучларни, жумладан, шимолий районлардаги ҳарбий-денгиз кучларини қисқартириш тўғрисида таклиф киритдингиз. Гарчи бу НАТО билан Варшава Шартномаси ўзаро муносабатларининг бир қисми бўлса ҳам, кейинчалик бу таклиф нечундир унчалик эсга олинмади. Шу таклиф ҳали ҳам ўз кучида турибдими, унинг тақдири нима бўлди, у Шарқ билан Ғарб ўртасида бундан буёнги музокаралар кун тартибига киритиладими?

Жавоб: Биз ядровий қуролсизланиш йўлига кирган ва оддий қурол--яроғлар билан шуғулланмоқчи бўлиб турган шароитда бир хил масалалар ҳал этилиб, бошқа соҳаларда тобора кўпроқ муаммолар тўпланиб қолишига йўл қўйилмаслиги муҳимдир. Европадан, Осиёдан ядро қуролини — ўртача ва камроқ олисликдаги ракеталар туркумини назарда тутаман,— ёппасига олиб ташласагу, бошқа регионларда қуролли қарама-қаршиликни кучайтириш мақсадида бехосдан унинг ўрни тўлдирила бошласа, нима бўлур эди.

Бу тўғри эмас, деб ҳисоблайман, шу сабабли бизнинг шимолий районлардаги ҳарбий фаолиятни қисқартириш тўғрисидаги таклифимиз амалий таклиф бўлиб, ҳарбий қарама-қаршиликни камайтиришдан иборат умумий ғояга асосланади. Бу таклиф ўз кучини сақлаб қолмоқда.

Савол: Сиз тилга олган БМТнинг Афғонистон бўйича воситачиси Диего Кордовес можарони сиёсий бартараф этишга ҳамда Афғонистонда АХДП, шунингдек, мужоҳидларнинг ёки, Сиз айтгандек, босмачиларнинг етти гуруҳини, шунингдек, эҳтимолки, собиқ подшо бошчилигидаги афғон оқсоқоллари гуруҳини ўз ичига олиш мумкин бўлган мувақкат ҳукумат тузишга кўмаклашиш учун январь ёки февралда музокараларнинг янги даврасини бошлашни таклиф қилди. Афғонистонда мувақкат ҳукумат тузиш соҳасидаги мана шу куч-ғайратларни Сиз қўллаб-қувватлайсизми? Башарти, келгуси йилнинг ёзигача бу куч-ғайратлар муваффақиятли чиқса ва Қўшма Штатлар мужоҳидлар гуруҳларига қурол-яроғ етказиб беришни қисқартиришга тайёр бўлса, Сиз ўша вақтда, жумладан, келгуси ёзда қўшинларни Афғонистондан олиб чиқиб кета бошлашга тайёрмисиз?

Жавоб: Менимча, бизнинг ёндашувимизни мен батафсил баён этиб бердим. Бироқ модомики савол туғилган экан, шундай дейман: башарти январь — февралда янги учрашув бўлса, буни табриклаймиз ва биз бунга ўз томонимиздан кўмаклашишга тайёрмиз. Башарти, икки масала — қўшинларни олиб чиқиб кетиш масаласи ҳамда қурол-яроғ ва пул билан ёрдам беришни тўхтатиш масаласи ўзаро боғланса (қолган масалалар боғланиб бўлган) биз яқин ойдаёқ ижобий натижага эриша оламиз, деб ўйлайман. Биз маслаҳатлашувларни давом эттириш ва томонларнинг бу хусусдаги позицияларини янада муфассал ўрганиш тўғрисида Президент билан келишиб олдик.

Савол: Сиздан шуни сўрамоқчиман, Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги самарали мулоқот қайси соҳада яқин вақт ичида энг истиқболли деб ўйлайсиз?

Жавоб: Келинглар, фол очмайлик. Ҳар ҳолда, визит вақтида қилиб қўйилган ишлар, агар биз изчил ҳаракат қилсак ва вазминлик кўрсатсак, кўпгина соҳаларда ва аввало, қуролсизланиш соҳасида жиддий ўзгаришларга олиб бориши мумкин, деб ўйлайман.

Савол: Форс кўрфазидаги аҳвол хусусида Сиз билан американиклар ўртасида қай даражада иноқлик ёки ихтилофлар бор ?Чунки, Сизни, ўзингизга имкони борича яхшироқ позицияни таъминлаб олишга интилаяпсиз, Эронни ҳимоя қилаяпсиз, деб айблаяптилар-ку? Яна бир саволим Яқин Шарққа бағишланган конференция тўғрисида. Чамаси, бу Сиз учун унчалик устун масала эмас?

Жавоб: Гапни иккинчи саволга жавоб беришдан бошлайман. Мен Президентдан Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференцияга тайёргарлик кўришга нисбатан АҚШ маъмуриятининг муносабатини яна бир бор пухта ўйлаб кўришни илтимос қилдим, чунки, назаримда, уни ўтказиш мақбуллиги ва мумкинлиги тўғрисида дунёда кенг ҳамфикрлик бор.

Бу мавзудаги суҳбат давом эттирилади, деб ўйлайман. Чунки, конференцияга тайёргарлик кўрилиши АҚШ маъмуриятини ташвишга солмаслиги керак. Шу жараён доирасида ҳам икки томонлама, ҳам уч томонлама, ҳам регионал учрашувлар бўлиши мумкин. Хуллас, конференциянинг мана шундай ҳажми, назаримда, бу хусусда кўпгина ҳукуматлар айтган хилма-хил фикрларни эътиборга олиш имконини беради. Бу соҳада силжишга эришиш мумкин, деб ўйлайман.

Энди биринчи саволга ўтайлик. Ҳа, бизни гўё ўзимизни яхши қилиб кўрсатишни истаяпти ва гўё американиклар ёмон қиёфада кўринсин, деб ҳаракат қилишда айблаяптилар. Мен масаланинг бу тарзда қўйилишига қўшилмайман. У ёки бу томон унинг ҳаракатларини кимдир қандай таърифлашига қараб эмас, балки ўзи қандай ҳаракат қилаётганлигига қараб бирон-бир қиёфада кўринади. Биз қандай ҳаракат қилаётганлигимизни, американиклар ва бошқалар қандай ҳаракат қилаётганликларини кузатиш ва бу хусусда ўз фикрингизга эга бўлиш учун имкониятингиз бор.

Бизнинг фикримизча, бу регионда катта ёнғинга олиб борадиган вазият вужудга келмаслиги учун буюк давлатлар зиммасига, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари зиммасига катта масъулият тушади. Шу сабабли биз ҳамма вақт, барча босқичларда, 598-резолюция қабул қилинмасиданоқ, шундай ҳаракат қилайликки, уруш қатнашчилари улардан нималар кутилаётганини ҳис қилиб олсинлар ва уларга вазиятни кескинлаштиришга йўл қўйиб бўлмаслигини тушуниб олиш имконияти берилсин, деб айтаяпмиз. Бизнинг назаримизда, ҳали шу резолюцияни, унинг имкониятларини бажариб бўлганимиз йўқ.

Шу фикрни айтиш билан чекланаман, чунки биз бир мунча аниқ-равшан гаплашиб олдик, аммо бу мавзудаги суҳбат ниҳоясига етгани йўқ, биз Форс кўрфазидаги ва Эрон-Ироқ урушидаги вазият ривожининг мана шу жуда мураккаб босқичида иккала мамлакатнинг масъулиятли ролини бажариш учун суҳбатни давом эттиришга қарор бердик.

Савол: Башарти, икки-уч йил аввал бирон киши ҳозир рўй берган воқеани тахмин қилгудек бўлса, эҳтимол, уни сиёсий хаёлпарастлар жумласига қўшар эдилар. Ҳозир бу иш реаллик бўлиб қолди. Бу қандай объектив асос билан изоҳланади, деб сўрамоқчиман. Рўй бераётган жараёнга, рўй бераётган бурилишга қандай объектив асос сабаб бўлди? Нечун шу бурилиш айни ҳозир содир бўляпти?

Жавоб: Биз 15 январда Баёнот берганимизда ҳамда ядро қуролини босқичма-босқич тугатиш ва ҳамма соҳалардаги ҳарбий қарама-қаршилик даражасини пасайтириш хусусидаги ўз планимизни тақдим этганимизда, кўп кишилар, бу — хомхаёл, деган эдилар. Энди ҳаёт мана шу тахминчиларни шарманда қилди.

Биз Рейкьявикка борганимизда, у ерда ҳаяжонли учрашув бўлиб ўтганида... — дарвоқе, шу ерда ҳозир бўлганлардан кимлар ўша ерда бўлган эди (кўп киши қўл кўтаради). Яхши...

Ўшандаги матбуот конференцияси қандай муҳитда бошланганини эсингиздами? Умидлар юзага чиқмаган эди, ҳамма иш ҳаяжонли тарзда барбод бўлган эди. Мен залда журналистларни кўрганимда, уларнинг кайфияти менга ҳам юққан эди. Рўпарамда шунчаки тили ўткир профессионал журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг вакилларигина эмас, балки нималар содир бўлаётганидан ташвишланаётган кишиларни кўрган эдим. Бу нарса менга таъсир қилган эди.

Ўша матбуот конференцияси менинг эсимда қолган. Ўшанда айтган гапларимнинг ҳаммасини 100 фоиз бугун ҳам такрорлашим мумкин: Рейкьявик — ҳаяжонли воқеа, аммо у оқибат натижада сиёсатчиларнинг ҳал қилувчи, белгиловчи ҳаракатлари ва феъл-атвори борлигини англашда жуда катта ёриб ўтиш ҳамдир. Кейинги йилларда дунёда, жаҳон жамоатчилигининг кенг доираларидаги кайфиятларда туб бурилиш рўй берди, умумбашарий миқёсдаги кўпгина кулфатларни даф қилиш англаб олина бошлади.

Барча мамлакатлар зиёлиларининг фаолияти туфайли шундай бўлди. Рўй бераётган воқеаларни уларнинг ўзлари — олимлар: физиклар ҳам, математиклар ҳам, медиклар ҳам, санъаткор зиёлилар ҳам англаб олди. Сўнгра уларнинг хавотирлиги ва ташвиши аҳолининг барча табақаларига таъсир қилди. Барча мамлакатлардаги одамларнинг онгида туб силжишлар рўй бермай туриб йирик тарихий ҳужжатни имзолашдек реал қуролсизланишнинг биринчи катта қадамини қўйиш имконини берган ўзгаришлар рўй бериши амри маҳол эди.

Савол: Яқин вақт ичида Сиз Лотин Америкасига ҳам сафар қилишни режалаштираётганингиз бизга маълум. Сафарингизнинг мақсади қандай, Лотин Америкаси яқин келажакда Совет Иттифоқидан қандай сиёсий ташаббусларни кутиши мумкин?

Жавоб: Мен яқин вақт ичида у ерга боришим наҳотки сизларга маълум бўлса? **(Залда жонланиш).** Жуда жиддий, тарихий миқёсдаги чуқур ўзгаришлар рўй бераётган бу қитъа мамлакатларига сафар қилиш истагим бор. Жаҳон сиёсатининг бориши ҳам шу қитъадаги тараққиёт қандай боришига, Осиёдаги тараққиётнинг ҳам қандай боришига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади, деб фараз қиламан. Шу сабабли Лотин Америкаси мамлакатларидаги жўшқин ва кучли ўзгаришлар, менимча, реалликни билишни хоҳлаган ҳар қандай сиёсатчини ўз кузатувларига, ўз анализига эга бўлиш ва улардан сиёсий фаолиятда фойдаланиш учун у ерга боришга қизиқтиради. Энг асосий қизиқтирувчи сабаб мана шундан иборат. Лотин Американинг кенг тараққиёт йўлига чиқиб олиш истиқболлари катта, деган фикрдаман. Аммо унинг қийинчиликлари ҳам катта.

Савол: Президент Рейганнинг Совет Иттифоқи тўғрисидаги тасаввурларини ўзгартиришга муваффақ бўлдим, деб ҳисоблайсизми? 6—7 йил муқаддам у Совет Иттифоқини «ёвузлик империяси» деб атаган эди.

Иккинчи савол. Вашингтонда ўтказган уч кунингиз натижасида Сизнинг АҚШ тўғрисидаги тасаввурларингиз бирон-бир тарзда ўзгардими?

Жавоб: Рейган жанобларининг фикри ҳам, менинг фикрим ҳам яхши томонга ўзгарди, деб ўйлайман.

Савол: Бугун кечқурун Сиз Берлинга учиб кетишингизни эшитиш ёқимли. Сизлар имзолаган Шартномани юзага келтиришга Варшава Шартномасидаги иттифоқчиларнинг ҳиссасини, ГДРнинг ҳиссасини қандай баҳолайсиз?

Жавоб: Шу йилларда киритилган ижобий таклифларнинг ҳаммаси амалда иттифоқчиларнинг иштироки билан киритилди. Ҳамма таклифлар биргаликда пухта ўйлаб кўрилди, биргаликда муҳокама қилинди, ҳамма соҳада биз жуда иноқлик билан, доимий асосда ҳаракат қилдик, шунинг учун ҳам яна бир бор айтмоқчиман: иттифоқчиларимиз бу учрашувни тайёрлашга, ўртача ва камроқ олислик ракеталари хусусида Шартномага эришишга катта ҳисса қўшганликлари учун уларга миннатдорчилик ва ташаккур билдирамиз. Қолган гапларни эса мен Берлинда айтаман.

Савол: Чамаси, Сиз ва Президент Рейган икковингиз шу уч кун мобайнида СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш йўлини анча ўзгартиришга муваффақ бўлдик, деб ҳисоблаяпсизлар. Мана шу уч кун давомида олий даражадаги учрашувлар чоғида сизларнинг шахсий соҳадаги муносабатларингиз ҳам ўзгаргандек туюлмоқда. Конкрет нималар ўзгарди?

Жавоб: Уч кун мобайнида биз эришган аҳдлашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман. Аммо бунинг битта шарти бор: биз ўз мажбуриятларимизга содиқ бўлиб қолган тақдирдагина шундай бўлади. Биз ўз аҳдлашувларимизга биноан масъулият билан ҳаракат қиламиз, деб Америка халқини ва маъмуриятини ишонтирмоқчиман. Менинг назаримда, бизнинг Президент билан ҳамжиҳатлигимиз ошди. Бизнинг мулоқотимизда ишчанлик, амалий ёндашувлар кўпроқ бўлиб қолди, ҳатто таваккал қилиб айтаманки, биз бир-биримизга кўпроқ ишонадиган бўлиб қолдик.

Савол: Оқ уй ёнидаги бугунги кузатиш маросимидаги нутқларда Сиз ҳам, Президент ҳам АҚШ Президентининг Совет Иттифоқига қиладиган сафарини эслатмадингиз. Бу визит бўладими ёки у сизларнинг муносабатларингизда бундан буёнги силжишга боғлиқми?

Жавоб: Бу — аниқ гап, Қўшма баёнотда ҳам бу ҳақда айтилган.

Савол: Қайта қуришнинг муваффақияти қуролсизланиш соҳасидаги аҳдлашувларга эришишга муваффақ бўлиниши ёки бўлинмаслигига қай даражада боғлиқ бўла олишни марҳамат қилиб айтиб берсангиз.

Жавоб: Бу ўринда қуролсизланиш билан ривожланишнинг боғлиқлиги тўғрисидаги тасаввурни қайта қуришга нисбатан ҳам қўлласа бўлади.

Савол: Ҳозир, ўртача олислик ракеталарига оид Шартномадан кейин, Марказий Европада ядро қуролидан ҳоли йўлакнинг аҳамиятини қандай тасаввур этасиз?

Жавоб: Ҳозир бу мавзу зўр актуаллик касб этади. Айтишим мумкинки, бу қимматли ташаббусдир.

Савол: Вашингтондаги музокаралар вақтида ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги Шартномадан чиқмасликнинг конкрет муддатлари ва бу шартномани талқин қилиш деб аталган нарса муҳокама қилиндими? СМТ программаси тўғрисида Совет томонидан ёки Америка томонидан гапирилдими?

Жавоб: Шундай жавоб қайтариш мумкин: ҳаммаси муҳокама қилинди.

Савол: Сиз, Совет Иттифоқи ҳам стратегик мудофаа соҳасида ишламоқда, деб айтган эдингиз...

М. С. Горбачев: Мен бундай деган эмасман.

Саволнинг давоми: Р. Рейган билан учрашувларингиздан кейин бу соҳадаги ўз мутахассисларингизга қандай вазифа топширасиз? Улар ишни жадаллаштирадиларми ёки секинлаштирадиларми?

Жавоб: Мен, фундаментал тадқиқотлар олиб боряпмиз, уларнинг айрим йўналишлари Америкада мудофаа ташаббуси характеристикасига кирадиган муаммоларни ҳам қамраб олади, деган эдим. Мен шу гапни айтганман. Аммо мен, биз — СМТга қатъият қаршимиз, деб ҳам айтганман. Биз ўз мамлакатимизда уни амалга оширмаймиз. Биз АҚШ маъмуриятини ҳам шундай қилишга чақирамиз. Аммо, башарти АҚШ маъмурияти бизнинг фикримизга қулоқ солмаса, у СМТни вужудга келтириш йўлидан боравера, у ўз зиммасига бутун масъулиятни олади. Шунда стратегик барқарорлик бузилади, қуролланиш пойгасининг янги соҳалари очилади, унинг оқибатлари нима бўлиши даргумон. Агар американикларнинг пули кўп бўлса, СМТга сарфлайверсинлар. Биз бунинг жавобини бошқа, муқобил йўллардан излаймиз, Бу йўллар юз карра, эҳтимолки, ундан ҳам арзонроқ тушади. Мен мана шундай деган эдим.

Савол: Сиз яқинда Москвада сўзлаган нутқингизда эришиб бўлинган битимларни имзолашдан бошқа натижа бўлмайдиган олий даражадаги учрашувни ўтказишга дунё ҳам, мен ҳам рози бўлмаймиз, деган эдингиз. Сиз айтган гаплардан маълум бўлишича, фақат шундай бўлди — ўртача олислик ракеталарига оид шартнома имзоланди. Йўлак хусусида сизга салбий жавоб қайтаришди, сиз синовларни тақиқлаш тўғрисида бир битимга кела олмадингиз. Хўш, ҳафсалангиз пир бўлдими, деган савол туғилади. Эҳтимол, бизнинг ҳам хафсаламиз пир бўлиши керакдир.

Жавоб: Мен визит якунларига батафсил баҳо берилган кириш сўзимни такрорлашни хоҳлайман. Унга ҳеч нарса қўшмоқчи ҳам эмасман.

Савол: Ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш хусусидаги Шартномага риоя этишнинг келишиб олинган муддати қандай бўлади, деган масала хусусида томонларнинг фикри яқинлашдими? Бундай аҳдлашув бўлмаса, Совет Иттифоқи стратегик ракеталар хусусида бирон-бир аҳдлашувни амалга оширмайди, деган фикрингизни тўғри тушунаяпманми?

Жавоб: Биз делегацияларимизга топшириқ бердик, улар Женевада музокараларни давом эттиришади. Ҳозир бу муаммонинг ҳамма тафсилотларини баён қилмоқчи эмасман.

Савол: Қуролланиш пойгаси космосга ёйилишининг олдини олиш энг муҳим вазифа, деб ҳамиша гапириб келган эдингиз. Сизнинг бугунги, шу ҳафтадаги учрашувингиз бундай эҳтимолни камайтирдими?

Жавоб: Бундай деб ўйламайман. Қуролланиш пойгаси космосга кўчирилишига йўл қўймаслик сиёсатимизнинг мақсади бўлиб қолаверишини ҳозир ҳам тасдиқлайман.

ЁШЛАР ВА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 12 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари республика комсомол ташкилотларининг ёшлар фан-техника ижодиётини ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларини муҳокама қилдилар.

Республика комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Носировнинг докладида Ўзбекистон ёш рационализаторлари ва ихтирочилари республика экономикасига анчагина ҳисса қўшаётганликлари айтилди. Кейинги вақтда ёш олимлар ва мутахассислар кенгашларининг фаолияти активлашди, ўнлаб муваққат ёшлар ижодий коллективлари ҳамда студентлар конструкторлик бюролари самарали ишламоқда.

Аммо. бу муҳим ишда ҳал этилмаган проблемалар ҳали жуда кўп. Хўжалик. раҳбарлари ва комсомол ташкилотлари ёшларнинг ижодий қобилиятлари мумкин қадар тўла намоён бўладиган шароитларни ярата олмадилар. Комсомол комитетлари фан-техника ижодиётини ташкил этишнинг форма ва методларини қайта қуришда тегишли матонат ва изчиллик қилмаётир.

Пленум қатнашчилари ёшлар фан-техника ижодиёти ягона системасини жадал ривожлантириш комплекс чораларини муҳокама қилдилар. Бу система жамоат ва давлат ташкилотларининг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш ҳамда жамиятни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш проблемаларини ҳал этишга йўналтириши керак.

Пленумда республика комсомол ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш юзасидан Ўзбекистон ЛКСМ XXII съездида айтилган танқидий мулоҳазалар қандай амалга оширилаётганлиги масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков қатнашди.

(ЎзТАГ).

Партия турмуши: ҳисобот йиғилишларида

ТАЛАБЧАНЛИК БИЛАН

Совхоз партия комитети бу йиғилишга бир неча кун тайёргарлик кўрди. Чунки партия ташкилоти қайта қуришга қандай раҳбарлик қилаётгани юзасидан коммунистлар ва партиясиз актив олдида ҳисоб бериш учун бутун фаолиятни: қилинган ишлар, янгиликлар ва олдинда турган вазифаларни коллектив бўлиб, синчиклаб қайта ўрганиб чиқиш ва таҳлил этиш лозим эди. Доклад асосан танқид ва ўзўзини танқид асосида тайёрланди. Шунинг учун ҳам музокара пайтида сўз сўраганлар кўп бўлди. Ҳисобот йиғилишида партия ташкилоти фаолияти атрофлича таҳлил этилди, йўл қўйилган нуқсонлар аниқ кўрсатиб берилди, муаммоларни ҳал этиш учун мулоҳаза ва таклифлар айтилди.

Партия ташкилоти фаолиятида ютуқлар анча. Совхоз партия комитети ташкилий-партиявий, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштиришда бирмунча ижобий натижаларга эришмоқда. Кейинги пайтда цех партия ташкилотларига раҳбарлик яхшиланди, социал ва иқтисодий вазифаларни ҳал этишда унинг роли ошди. Коммунист раҳбар кадрларнинг ҳисоботларини тез-тез эшитиб туриш практикаси қарор топди. Партия комитети ҳар ойда уч марта цех партия ташкилотлари етакчилари учун «Секретарлар куни» ўтказмоқда.

Шунга қарамасдан партия ташкилоти ҳали ўз ишини давр талаби даражасида қайта қуриб олаётгани йўқ. Бу фикр партком секретари А. Раҳмоновнинг докладида ҳам, нотиқлар сўзида ҳам таъкидланди. Кўпгина цех партия ташкилотлари ҳанузгача эскича қолипда ишлашдан қутулолмаётирлар. Хўжалик экономикасини ривожлантиришда туб ўзгаришлар кўзга ташланаётгани йўқ. Интенсив омиллар ишга солинмаяпти. Айрим коммунист раҳбарлар ва етакчи мутахассислар ўзибўларчилик ва масъулиятсизлик кайфиятидан қутулолмаяптилар. Совхоз давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари топшириш бўйича беш йиллигининг икки йили планини бажарган бўлса-да меҳнат унумдорлиги 1985 йилдагига нисбатан пасайиб кетди. Бу шуни кўрсатадики, раҳбар ходимлар ва мутахассислар янгича талаблар асосида ишлашга ҳали тайёр эмаслар. Совхоз партия комитети меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг янгича усулларини жорий этишда етакчи мутахассисларга талабчанлик кўрсатмаётир. Пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам кескин ижобий ўзгаришлар бўлмаяпти. Наслчилик ишлари ҳам яхши эмас.

Кадрлар билан ишлаш — партия ташкилотининг асосий иши. Бу соҳада бирмунча ижобий ўзгаришлар бўлди. Цех партия ташкилотларида ўтказилган очиқ йиғилишларда кадрлар демократик йўл билан танланди. Пахтачилик бригадаларининг бошлиқлари ва бир қатор қуйи бўғин кадрлари овоз бериш йўли билан сайланди. Шунга қарамасдан 150 нафардан зиёд коммунист ишлаётган бу хўжаликда ишлаб чиқаришнинг айрим участкалари ҳақиқий жонкуяр ва ташкилотчи кадрлар билан мустаҳкамланган эмас.

Партия йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ҳам жиддий камчиликлар бор. Йиғилишларга коммунистлар тўлиқ қатнашмайдилар, активлик кўрсатмайдилар. Айрим цех партия ташкилотларида ўтаётган йиғилишларнинг асосий вақтини «штатли нотиқлар» эгалларган. Қабул қилинаётган қарорларнинг учдан бир қисми бажарилмасдан қолмоқда.

Музокарада сўзга чиққан кўпгина коммунистлар социал масалалар эътиборсиз қолдирилаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар. КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, бригада бошлиғи Тўхтахон Қиргизбоева, бригадир Абдухолиқ Юсупов, боғча мудираси Валентина Панченко, иккинчи бўлим бригадири Даврон Тўйчиев, совхоз бош зоотехниги Владимир Савкин, совхоз комсомол комитетининг секретари Нурилла Умаров, сут соғувчи Эргашой Йўлчибоева ва бошқалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш резервларини мунтазам излаш, социал масалаларга эътиборни кучайтириш зарурлиги, сўз ва иш бирлигини қарор топтириш лозимлиги тўғрисида гапирдилар.

— Бизнинг тўртинчи бўлимда 1,5 минг киши яшайди. Лекин телефон хизматидан баҳраманд эмасмиз. «Тез ёрдам» керак бўлиб қолса қаёққа боришимизни билмай қоламиз, — деди йиғилишда сўзга чиққан сувчи Норбўта Жумабоев.

Дала механизаторлари учун зарур шароитларни яратиш ҳақида ҳам бирқанча танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Мени совхоздаги суғориш тармоқларининг аҳволи ташвишга соляпти, — деди коммунист Иван Бунеев. — Ариқлар ўн йилдан бери тозаланмаган. Ободонлаштириш ишлари ҳам ёмон аҳволда.

Музокарада сўзга чиққан нотиқлар партия қуйи бўғинларига раҳбарликни жонлантириш, цех партия ташкилотлари ва партия группалари ишини қайта қуришни кучайтириш, коммунистларнинг активлигини ошириш, бошланғич ташкилотлар жанговарлик кўригини график асосида пухта ўтказиш, партия ички ҳаёти, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтириш билан боғлиқ олдда турган энг муҳим вазифалар ҳақида конкрет фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Коммунистлар кўпчилик овоз билан совхоз партия комитетининг қайта қуришга раҳбарлик соҳасидаги фаолиятини қониқарли деб баҳоладилар.

Совхоз партия ташкилоти йиғилишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков, область Совети ижроия комитетининг раиси И. Ў. Қўчқоров қатнашдилар.

Ҳ. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ОНА ТИЛИ

11 декабрь куни Тошкентда умумий таълим ва ҳунар-техника мактабларида, ўрта ва олий ўқув юртларида рус тили, ўзбек тили, қорақалпоқ тили ва бошқа миллий тилларни ўрганиш ва ўқитишни яхшилаш проблемалари билан шуғулланувчи республика координацион кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республика олимлари, муаллимлари, бир қанча министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов олиб борди.

Мажлис қатнашчилари республикада «Рус тили» комплекс тармоқ программасини амалга ошириш билан боғлиқ баъзи биринчи навбатдаги масалаларни муҳокама қилдилар. Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида, техникумлар ва олий ўқув юртларида рус тили ўқитиш сифатини ҳамон анча пасайтираётган, республиканинг катта ёшдаги аҳолиси ўртасида, айниқса қишлоқ жойларида шундай ўқитишни собитқадамлик билан ташкил этишга ҳалақит бераётган жиддий камчиликлар айтилди. Ўқитувчи кадрлар тайёрлашдаги жиддий камчиликлар, мавжуд дарсликлар ва программалардаги предметни ўқитиш методикасининг такомиллаштирилмаган л и г и, тилга ўргатиш замонавий назарияси ва практикасининг кўпгина муҳим проблемалари ишлаб чиқилмаганлиги совет кишилари учун иккинчи она тили бўлмиш рус тилини оммавий ва чуқур ўрганишга ҳалал бераётганлиги таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан кенгаш тегишли тавсиялар қабул қилди.

(ЎзТАГ).

Практика билан мустаҳкам алоқада

Республика агросаноат комплексида бошқаришни ва хўжалик юритиш иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг муҳим проблемаларига бағишланган конференцияда агросаноат кадрлари ишлаб чиқариш — иқтисодий ўқишининг амалий йўналишлари зарурати тўғрисида гапирилди. Конференцияни Агросаноат комитети республика олий бошқариш мактаби уюштирди.

Олимлар, илғор хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари конференция қатнашчилари ҳузурида сўзлаб, хўжаликлар корхоналар ва ташкилотлар тўла хўжалик ҳисобига, ўз харажатини ўзи қоплаш ва ўзини —ўзи пул билан таъминлашга ўтиши даврида агросаноат комплекси кадрлари ўқувини яхшилаш борасида орттирган тажрибаларини баҳам кўрдилар.

(ЎзТАГ).

ҲУШЁР ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

11 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган ҳушёрлик учун кураш республика кўнгилли жамияти кенгашининг пленумида КПСС Марказий Комитетининг ички ишкибозлик ва алкоголизмни бартараф этиш хусусидаги талаблари асосида шу жамиятнинг вазифалари ва бу ишни активлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Пленумда, гарчи жамиятнинг активлари ички ишкибозликка қарши ҳаракатни кучайтириш юзасидан муайян иш қилган бўлсалар ҳам, уларнинг фаолияти шу кун талабларига ҳали жавоб бермаётганлиги, мазкур иш зарур уюшқоқлик билан ўтказилмаётганлиги ва ҳозирча ҳамма ерда ана шу социал иллатга қарши тоқатсизлик вазияти юзага келтирилмаганлиги таъкидланди.

Жамиятнинг сафлари секинлик билан ўсмоқда, ички ликбозликка қарши ташвиқот Тошкент, Қорақалпоғистон АССРда, бошқа бир қанча областларда, айниқса ёшлар ўртасида ниҳоятда суст олиб борилаётир. Пропаганда ишида телевидение, радио ва вақтли матбуотдан яхши фойдаланилмаяпти. Бошланғич ташкилотларда ички ликбозликка қарши қонунлар бузилишида айбдор бўлган шахсларга қарши қатъий чоралар кўрилмаяпти, хонаки ароқ тайёрлаш ва гиёҳвандликка қарши курашнинг самарали воситалари топилмаган, профилактика методлари пухта эмас.

Пленум қатнашчилари аниқланган камчиликларни йўқотишга, ҳушёр турмуш тарзи учун курашни янада активлаштиришга қаратилган тадбирлар комплексини белгиладилар. Корхоналарда, ёшлар коллективларида профилактика ишлари даражасини оширишга, бўш вақтни соғлом ва қизиқарли ўтказишни ўқув билан ташкил этишга катта эътибор берилди.

(ЎзТАГ).

Сим орқали мулоқот

Республика радиоси бир қатор министрлар, чунончи, Ўзбекистон ССР савдо ҳамда республика аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлари билан меҳнаткашларнинг сим орқали мулоқотларини уюштирди. Уларда аҳоли турли табақаларининг вакиллари хизмат соҳасининг мазкур тармоқларда рўй бериб турган камчиликларни қайд этиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий фикр-мулоҳазаларини билдирган эдилар.

Бу хил шаклдаги эшитиришларимиз радиотингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шуни эътиборга олиб, сим орқали навбатдаги мулоқот Ўзбекистон ССР алоқа министрининг ўринбосари Ш. Исломов билан ўтказилади.

Шу йил 15 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 15 дан 17 гача республика радиосининг 33-06-77 ҳамда 33-04-23 телефонлари орқали қўнғироқ қилиб, ўзингизни қизиқтирган масалалар бўйича ўртоқ Ш. Исломовга мурожаат этишингиз мумкин.

Ғ. АСАТУЛЛАЕВ.

ХХР ВА СССР: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Совет шериклари билан амалий алоқаларни йўлга қўйиш учун СССРга келган Хитой мутахассисларининг амалий визитидан мақсад балиқчилик ва балиқ овлашнинг турли йўналишлари бўйича узоқ муддатли илмий-техникавий ҳамкорлик программасини тайёрлашдан иборатдир.

Хитой делегациясига ХХР деҳқончилик, чорвачилик ва балиқ хўжалиги министрлиги сувда овлаш бошқармасининг бош бошлиғи Ту Фенцзюн, Совет делегациясига СССР Балиқ хўжалиги министрлиги ички ҳавзаларда балиқчилик ва балиқ овлаш бошқармасининг бошлиғи В. С. Белов бошчилик қилмоқдалар.

Хитойлик ҳамкасблар ўзбекистонлик балиқчилар билан 60-йиллар бошларида муваффақиятли ҳамкорлик қилганлар. Эндиликда Тошкентда дастлабки музокаралар ва маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда.

Меҳмонларга амалий учрашувлар билан бирга Ўзбекистон илғор балиқчилик хўжаликлари билан танишиб чиқиш, шунингдек хилма-хил маданий программа таклиф этилди. Хитой делегацияси Тошкентда бўлганидан сўнг Ленинград ва Москвага жўнаб кетади.

(ЎзТАГ).

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«МЕҲНАТ» НАШРИЁТИДА ЎЗБЕК ТИЛИДА ЧИҚАРИЛГАН ЯНГИ НАШРЛАР

А. Исмоилов. Ширали озуқалар. 80 бет. Баҳоси 30 тийин.

Китобчада ширали озуқаларнинг таркибидаги озуқа бирлиги, ҳазм бўладиган протеин, азотсиз экстрактив моддалар, ёғ, клетчатка каби органик моддалар, каротин ва бошқа витаминлар ҳамда турли макро-микроэлементлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар келтирилган.

Ў. Ҳасанов. Маданий ўсимликларнинг келиб чиқиши. 144 бет. Баҳоси 50 тийин.

Китобчада ўсимликларнинг пайдо бўлиши, уларнинг турлари, асосий келиб чиқиш марказлари тўғрисида сўз юритилган.

А. Одилхўжаев, М. Мираҳмедов, Г. Ступаков. Суворчилик ишлари. Қурилиш мастерлари ва бригадирлари учун справочник. 64 бет, 20 тийин.

Справочникда Ўзбекистоннинг иқлим шароитларини ва қурилиш материалларини ҳисобга олиб суворчилик ишларини бажариш технологияси баён этилган.

Т. Жамолов. Мирзачўл: Кеча, бугун, эртага 96 бет. 20 тийин.

Бу очерклар тўпламида чўлни бўстонга айлантираётган оловқалб замондошларимиз, уларнинг бунёдкорлик ишлари, қизғин меҳнат жабҳалари қаламга олинади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси олдидан

ЭНГ МУҲИМ ПАРТИЯВИЙ ИШЛАР ҚАТОРИДА

Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. М. МИРҚОСИМОВ уй-жой проблемасини ҳал этишга партиявий раҳбарлик тажрибаси тўғрисида ҳикоя қилади.

Хоразмликлар учун уй-жой масаласи ниҳоятда долзарб бўлиб турибди, ҳар уч оиладан қарийб биттаси уй-жойга муҳтож. Қишлоқ аҳолининг 35 проценти водопровод суви, 32 проценти табиий газ билан таъминланган, хўжалик ичкарисидаги йўлларнинг фақат бешдан бир қисмигагина асфальт ётқизилган.

Дастлабки маълумотларга кўра, асримиз охиригача область аҳолиси 1,3 миллион кишидан ошади, оилалар сони 250 мингтага етади. Ана шуларни ҳисобга олиб, уй-жойларни фойдаланишга топширишни кўпайтириш, саккиз миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой қуриш лозим.

Ана шу мислсиз вазифаларни бажариш учун биз «Уй-жой—2000» комплекс программасини ишлаб чиқдик. Бу режа партия органларининг ғамхўрлиги билан йўғирилган бўлиб, қурувчилар, идоралар ва жамоатчиликнинг актив иштирокида тузилди. Программада аҳолининг ўсиши ҳам, қурилиш индустриясининг қуввати ҳам, унинг истиқболи, кооператив ва якка тартибдаги қурилишнинг имкониятлари ва бошқа омиллар ҳисобга олинди.

Ҳозир маҳаллий Советлар уй-жой фондини инвентаризация қилмоқдалар, уй-жой олиш учун навбат кутиб турган кишилар рўйхатини тартибга солмоқдалар. Уй-созлик комбинатининг фаолияти билан жиддий шуғулландик: муаммолар ҳал этилди, мазкур корхоналар кадрлар билан мустаҳкамланди. Комбинат қолоқликдан чиқди, планни бажармоқда, келгуси йил учун барча буюртмаларни қабул қилиб олди. Энди унинг қувватларини тўла ишга солиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Саноат яхши тараққий этмаганлиги сабабли Хоразмда уй-жой қурилиши учун ажратилаётган капитал маблағлар кўпаймаяпти. Хуллас, масалани ҳал этиш йўлларини қидирмоқдамиз... Агар республика Қурилиш министрлиги эътироз билдирмаса, уйсозлик комбинатида бошқа трестлар қураётган уй-жойларни комплектлашни йўлга қўймоқчимиз. Айни вақтда кооператив панелли уй-жой учун лимитлар кўпайтирилишига эришиш ҳаракатидамиз. Монолит уй-созликни ривожлантира бошладик. Бу йил ана шундай уй-жойлардан 6 минг квадрат метр қурилади, келгуси йили эса бу кўрсаткич янада ортади. Ҳозир 8 та посёлкада монолит уй-жой қурилмоқда. Бу истиқболли ишга «Агропромстрой» бирлашмаси билан бир қаторда область-дастлаги бошқа ташкилотлар ҳам жалб этилди.

Жадаллаштиришнинг ички резервлари тўғрисида гапирар эканмиз, биз коллектив пудратни энг асосий омил деб биламиз. Партия комитетлари ва ташкилотларнинг ташаббусга бу борада катта имкониятлар очилади, уларнинг вазифаси — хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга ёрдамлашишдан иборат. Ҳозирнинг ўзидаёқ 37 та ташкилот пудрат усулида ишламоқда. 1988 йилда область-дастлаги барча қурилишлар хўжалик ҳисобига ўтади, «Агропромстрой» эса харажатларни ҳисобга олишнинг чек системасини жорий этишга киришади.

Фойдаланишга топширилаётган уй-жойнинг умумий ҳажмида якка тартибда қурилаётган уйларнинг салмоғи каттадир. Шу тахлитда уй қурувчиларни участка ва материаллар билан таъминлаш осон иш эмас. Бир миллион кишига 250 минг гектар ҳайдаладиган ер тўғри келадиган Хоразмда уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш анча мушкул масаладир. Аммо, ҳар қалай, уй-жой қуриш учун унумсиз ерлар топилиб қолди. Урганчда, район марказларида йўлдош — шаҳарлар қуришга, янги колхоз ва совхоз посёлкалари бунёд этишга қарор қилинди. Хуторларни тугатиш ишини тўхтатиб қўйдик, бу ерларда ҳам нормал маиший шароитлар яратишни ўйлаб турибмиз.

Умуман, уй-жой қурилиши учун ер ажратиш Советларнинг вазифасидир. Бизнинг вазифамиз эса, шу масалалардаги бюрократизм ва саналорликни йўқотишга ёрдам беришдан, социал адолатга қатъий риоя қилинишига эришишдан иборат.

Бинокорлик материаллари хусусида ҳам анчагина қийинчиликлар бор. Областда қумдан бошқа норуда хом ашё конлари кам. Шунинг учун ҳам силикат ғишт ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлидан бормоқдамиз: ҳозир йилига 120 миллион дона ана шундай ғишт ишлаб чиқариб, ўз эҳтиёжимизни қондирмоқдамиз. Аммо, бундан буён ғишт заводларини кўпайтирмаслик керак. Чунки хом ашё сифатида ишлатилаётган тупроқ серунум бўлиб, унинг исроф этилишига йўл қўя олмаймиз. Ёғоч-тахта чиқиндилари ва ғўзапоялардан прессланган плита ишлаб чиқарадиган завод қуришни режалаштирмоқдамиз. Боғот районидаги Наримонов номли колхозда эса кафель ишлаб чиқарадиган линия созланмоқда.

Шунга ўхшаш муаммоларни ҳал этаётганда «Ўз ёғимизга ўзимиз қовурилавермас»дан, муҳим тарбиявий аҳамиятга ҳам эга бўлган иқтисодий алоқаларни дадиллик билан ривожлантириш керак. Биз геологларга илтимос билан мурожаат қилиб, Қизилқумдаги Тупроққалъа массиви ер бағрини жиддийроқ ўрганадиган фурсат келди, дедик. Ҳозирча эса завод ва карьерлар қуриш ҳамда улардан фойдаланишда қўшни область ва республикаларга ёрдам бериб, шу тариқа улардан хом ашё ва қурилиш материаллари олиляпмиз, Деворбоп ва пардозлаш материаллари соҳасида яхши тавсиялар ишлаб чиққан Днепропетровск шаҳридаги инженерлик қурилиш институти билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Чита областида ўзаро фойдали асосда ёғоч-тахта тайёрламоқдамиз. Биз, у ерга ўзимизнинг ишчиларимизни юбориб, бир йил ичида қишлоқ қурилиши учун 20 минг кубметрдан кўпроқ ёғоч-тахта олдик.

Областда бинокорлик материаллари билан савдо қиладиган магазинлар кенг шохобчасининг яхши ишлаб туриши уй-жой қураётган кишилар учун муҳимдир. Сўнгги икки йил мобайнида биз ана шу тахлил товарлар сотишни бир ярим баравар кўпайтирдик. Кооперативга киришни истаган кишиларга ёрдам бериш учун барча шаҳар ва район ижроия комитетларида тегишли бўлимлар очилди.

Фойдаланишга топширилаётган уйларнинг сифати чигал проблема бўлиб турибди. Биз, даставвал, уй-жойни қабул қилиб оладиган давлат комиссиялари составини янгиладик. Қурилиш устидан техникавий ва архитектура назорати кучайтирилди. Янги уйларга кўчиб кирадиган одамларнинг қурилиш ва пардозлаш ишларидаги иштироки синаб кўрила бошлади.

Равшанки, область партия органлари зиҳнор бинокорларнинг ўринини босишга, соф хўжалик ишлари билан батамом шуғулланиб кетишга интилмаяптилар, албатта. Область партия комитетининг бюроси уй-жой қурилиши юзасидан чиқарилган қарорларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатди, ҳар уч ойда область, шаҳар, район партия комитетлари секретарларининг ахборотлари тингланмоқда. Программанинг бажарилишини жойларга бориб текширмоқдамиз, Обком бюроси аъзолари, хўжалик ходимлари, маҳаллий журналистлар биргаликда энг муҳим қурилишларни айланиб чиқадилар. Сафарларимизни яшириб ўтирмаймиз, жойларга боришимизни билган ўртоқлар дуруствоқ ишлашга ҳаракат қилмоқдалар, раҳбарларнинг бориши эса етилган масалаларни пайсалга солмай, ҳал этишга ёрдам бермоқда. Ана шундай ошкора назорат жадаллаштиришнинг яна бир резервидир.

Лойиҳа ишига ҳам эътибор бермоқдамиз. Планлаштириш ва комплекс қурилишда архитекторларнинг роли ошмоқда. Биз конкурс ўтказганимиздан кейин Хоразмнинг анъаналари ва шарт-шароитларига тўғри келадиган анча дуруст уй-жой лойиҳасига эга бўлдик. Асосий қурилиш материали пахсадир. Ана шу лойиҳадан фойдаланиш хўжалик ҳисоби билан уй-жой қурилишини кенгайтиришга ёрдам беради. Ҳамма хўжаликларда 200 гача киши бўлган қурилиш бригадалари тузилди.

Кўрилган тадбирлар натижасида ўтган йили давлат капитал маблағлари ҳисобидан планга қўшимча тарзда 16 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу йил ҳам план ортиғи билан бажарилади. Кўпчилик хўжалик ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари уй-жой муаммоси билан жиддийроқ шуғуллана бошладилар. Область партия комитети Урганч ёғ-мой комбинати, Хонқа районидаги Оҳунбобоев номли колхоз, «Туямўйин гидрострой» ва бошқа коллективларнинг ҳар бир ходимни 1990—1995 йилларгача алоҳида квартира билан таъминлаш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади.

Аммо уй-жой программаси йўлида каттагина қийинчиликлар бор. Буларнинг энг асосийси коммуникациялардир. Биз келгуси йили барча посёлкалардаги йўлларга асфальт ётқизиш вазифасини илгари сурдик. Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги ажратаётган ресурсларни Советлар ихтиёрига бериш ва жойларда уларни тақсимлаш зонасини чекламаслик тўғри бўлур эди. Янги йўллар, аввало қайси жойларга зарурлиги бизга кўпроқ аёндир.

Уй-жой программаси сув таъминоти программаси билан мустаҳкамланиши зарур. Туямўйин-Гурлан қувур ариғини қуришда қолоқлик учун бизни тўғри танқид қилмоқдалар. Аҳволни ўнглаяпмиз, аммо сувни магистралдан район ва посёлкаларга тақсимлаш керак, тармоқлар эса бунёд этилмаган. Уй-жой коммунал хўжалик министрлиги ана шу проблема билан ниҳоятда жиддий шуғулланиши лозим, чунки ҳозирги кунда бу қишлоқ турмуш маданиятининг ҳам, соғлиқни сақлашнинг ҳам ниҳоятда ўткир бўлиб турган муаммосидир. Канализация ҳақида ҳам шу сўзларни айтиш мумкин. Ҳозир қишлоқ учун канализация қимматга тушишини кўриб-билиб турибмиз, аммо оқаваларни ва чиқиндиларни тозалайдиган маҳаллий иншоотлар қурса бўлади. Қишлоқ энергетика тармоқлари жуда бўлиб юборилган. Биз уй-жой учун электр линияларини лойиҳаларини ишлаб чиқишни маҳаллий мутахассисларга топширишни таклиф этдик. Бу техникавий шарт-шароитларни келишиб олишни ҳам, қурилишнинг ўзини ҳам жадаллаштирган бўлур эди.

Яна бир етилган масала хусусида гапирмоқчиман: уй-жойга муҳтож кишиларни ҳисобга олиш жараёни ниҳоятда мураккабдир. Республика уй-жой қонунида кўзда тутилган айрим қоидаларни такомиллаштириш талаб қилинади. Бунинг устига область территориясида (бошқа областларда ҳам шундай) уй-жойга муҳтож кишиларни рўйхатга олувчи ягона орган йўқ. Ҳар бир киши қайси идорада ишлашидан қатъи назар, уни уй-жой олиш учун навбатга қўйиш Советларга топширилган-ку, ахир. Шундай экан, Советлар жамоатчилик ва меҳнат коллективларининг иштирокида ана шу навбат рўйхатининг тўғрилиги ва уй-жойнинг адолатли тақсимланиши учун жавоб беришлари керак.

(ЎзТАГ).

Хонқа райони марказида ҳисоб бўйича 62-кўча очилди. Унга «Октябрнинг 70 йиллиги» номи берилди. Бу кўча сайловчиларнинг наказлари асосида халқ депутатлари ёрдамида қурилди.

Суратларда: 1. Уруш ва меҳнат ветеранлари Совети раиси Карри Дурумов, Хонқа шаҳар ижроия комитетининг раиси Маҳмуджон Собиров ва маҳалла комитети раиси Ботир Қурбоновлар янги кўчадаги уйларни кўздан кечиришяпти. 2. «Октябрнинг 70 йиллиги» номли кўчада.

Қ. ОТАЕВ фотолари. (ЎзТАГ).

• Каспаров—Карпов баҳсида

Аравани от тортади...

Уч кунлик танаффусдан кейин навбатдаги ўйин бўлиши аниқ эди. Карпов охирги учинчи тайм-аутини ҳозирча асраб, авайлаб турибди лозим.

22-партия олдидан: «Қандай дебют қўлланаркин?», деган баҳсларнинг чеки бўлмади.

— Инглизча бошланиш юзага келмайди бу гал, чунки у Каспаровга устунлик бериш ўрнига оқлар билан икки бор ютқазди.

— Фарзин гамбити бўлсинми? Карпов ўзини қийнаб, нима қилади, — дейишарди бошқалар. Ҳа, аравани ишторокчилар тортяптию бошқалар ҳорияпти.

Ҳамма гап жаҳон экс-чемпиони бу сафар қандай тактикага амал қилишида эди. Бунга каромату тахминлар эмас, балки тахтада қилинган юришларгина жавоб бераолди.

Маълум бўлишича матч иштирокчилари бошқа-бошқа томондан келаётган бўлсаларда, ўша кўчаларда машиналар тирбанд бўлиб қолибди. Одатда уларга полиция-чилар ҳамроҳ бўлиб келадилар. Лекин улар ҳам кўча ҳаракати қондасини бузолмайдилар.

Айб иштирокчиларда эмаслиги туфайли арбитр ўтган вақтни бекор қилди: ўйин 5 минут кечроқ — 16,35 да бошланди. Биринчи марта шундай бўлиши.

Г. Каспаров ҳарифини инглизча бошланишга чорлади. А. Карпов эса мустаҳкам ва ишончлироқ фарзин гамбитига ўтишни маъқул кўрди. Улар ўртасида ўйналган 120 тача партиянинг учдан бир қисмида шу дебют қўлланган бежиз эмасда. Жаҳон чемпиони синовдан ўтган вариантга бормади: бешинчи юришда қора филини аввалгиларидан кўра бир хона берирокка чиқарди. Бинобарин у бошқача вариантга тайёргарлик кўриб келган эди. Карпов ҳам принципиал йўлдан борди. Марказда пиёда ялғизланиб қоладиган позицияларни ёқтирмасада, бу гал у 35 минутча ўйлаб, ундан тап тортмади. Қоралар 10-юришда ўша ялғиз пиёдасини олга суриб, ташвишдан қутулди. Шу орада биттадан от ва фарзинлар ҳам маж. буран алмашиб кетди. Томонларнинг барча жанговар кучлари ривожланиб бўлгач Каспаров 19-юришни қилмакан харифига битим тузишни таклиф этди. Карпов кўнди. Тағин мувозанат бузилмади — ҳисоб 11:11 бўлиб қолди. Бугал Карпов синовдан яхши ўтди. Бултур 22-партия билан бирга матчни ҳам ютқазган эди.

Мана энди ҳамма нарса охирги икки учрашувга қараб қолди. Эртага ўйналадиган 23-партияда оқ доналарни сурувчи жаҳон экс-чемпиони албатта ғалабага интилиши муқаррар. Вазият шуни тақозо қилиб турибди. Бизнингча ҳарифлар тахтада юзага келувчи позиция талабларидан келиб чиққан ҳолда иш тутадилар. Карпов айтганидек ким биринчи бўлиб жиддий хатога йўл қўйса, баҳсни бой беради.

М. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Р. — 09213. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 286. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12